

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ



## ИНВЕТОР - ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида инвестиция сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли иқтисодиётга катта миқдордаги хориж инвестицияси жалб этилмоқда.

**Ҳозирги кунда республикаимиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келаётди. Уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди. Инвестиция иқтисодиётидаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омиллардан бирига айланди.**

2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортди. Хорижий инвестициялар иштирокида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди.

Ушбу натижаларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтиришдаги ўрни катта. Шу боис хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг жадал ривожланишини, мамлакат иқтисо-

диётдаги салмоғи янада ошишини таъминлаш мақсадида уларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур кафолатлар, қулай ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, рўйхатга олиш, ҳисоботларни тақдим этиш, рухсатномалар бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали амалга ошириляпти.

Айниқса, ҳуқуқий ҳимоя тизими тобора мустақамланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари таъминланиши борасида изчил иш олиб борилмоқда.

– “Бож тарифи тўғрисида”ги ва “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож олинмайди, – дейди Адлия вазирлиги хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бўлими бошлиғи Фозил Фариков ўза мухбирига.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 декабрдаги “Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги қарори билан бу жараён янада тартибга солинди. Унда хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қридага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга ошириши ҳамда хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк божхона божи солишдан озод этилиши бўйича имтиёзлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга ҳам жорий этилганлиги белгиланган.

Аммо амалда ушбу қонун ҳужжатлари бажарилишига масъул бўлган айрим шахслар томонидан уларни бузиш ҳолатлари учраб турибди. Масалан, пойтахтимизда фаолият юритаётган “Андолас” қўшма корхонаси адлия бошқармасига мурожаат қилиб, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинган хомашё

маҳсулотлари учун бож тўлаганини маълум қилиб, уни қайтариб олиш юзасидан амалий ёрдам сўради. Ҳужжатлар ўрганилиб, мурожаат асосли, деб топилди. қўшма корхонанинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилди. Ниҳоят, Тошкент шаҳар хўжалик судига киритилган даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

“Интер-сок” қўшма корхонасининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида ҳам шундай йўл тутилди. Тошкент шаҳар хўжалик судига киритилган даъво аризаси асосида 27 миллион сўмдан зиёд маблағ эгасига қайтарилди. “Мармакс” қўшма корхонаси ва “Рамел текстиль” хорижий корхонасининг бузилган ҳуқуқлари ҳам судга даъво аризаси киритиш йўли билан тикланди.

“Афсар компани ЛТД” қўшма корхонаси эса ортиқча солиқ ундирилгани юзасидан шикоят қилган. Ўрганиш давомида ҳақиқатан ҳам бу борада қўшма корхонага 325,5 миллион сўм зарар етказилгани маълум бўлди. Зудлик билан эғрилган чора туфайли маблағ эгасига қайтарилиши таъминланди.

Қонунларни амалда тўғри ва аниқ қўлламаслик оқибатида корхоналарнинг ишлаб чиқаришга сарфла-

ниши мумкин бўлган маблағларини ортиқча ундириш, ушлаб туриш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Адлия идораларига 2007 йилда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар томонидан олти юздан зиёд мурожаат тушган. Уларнинг тўрт юздан ортиғи ўз тасдиғини топиб, улар бўйича инвесторларнинг бузилган ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган 232 мансабдор шахсга интизомий жазо чораси кўрилди, 16 нафар мансабдор шахс эғаллаб турган лавозимдан озод қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш иқтисодиётни янада юксалтиришга хизмат қилади. Бундай шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам тобора ривожланиб, хизмат кўрсатиш ва касаначиликка кенг йўл очилади. Бу эса республикаимиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларидаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир.

Ўза.

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ ОШИРИЛДИ

Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сон Фармони («Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 10 (710)-сонида чоп этилган) билан 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилди. Ушбу санадан бошлаб республика ҳудудида бир ойлик энг кам:

- иш ҳақи – 20 865 сўм;
- ёшга доир пенсиялар – 41 330 сўм;
- ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – 20 865 сўм;
- болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – 41 330 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа 25 030 сўм миқдорида белгиланди.

### ЙЎЛ ҚУРИЛИШИГА – 75,3 МЛН ДОЛЛАР

2008 йил 28 февралда Президентнинг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-804-сон қарори қабул қилинди.

2007 йил 19 декабрда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) томонидан «Минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун тўрт йиллик имтиёзли даврни

ҳисобга олган ҳолда узиш муддати 24 йил бўлган 75,3 млн АҚШ доллари миқдорида Ўзбекистон Республикасига қарз берилган.

Лойиҳани 2008-2011 йиллар давомида амалга ошириш кўзда тутилган, бунинг учун «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига қарашли «Ўэйўлмашсервис» йўл-таъмирлаш корхонасининг ишлаб чиқариш негизда механизациялаштирилган йўл-қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш бўйича ихтисослаштирилган «Трансйўлқурилиш» давлат компанияси ташкил этилмоқда. У ОТБ қарзи ҳисобига харид қилинадиган йўл-қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарини белгиланган тартибда ўз балансига қабул қилиб, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун жавоб беради, бироқ тузилган шартномаларга қатъий мувофиқ равишда механизациялаштирилган йўл-қурилиш ва таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Компания тўрт йил муддатга барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан (ягона ижтимоий ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шу жумладан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича товарлар учун божхона тўловларидан озод этилади. Бўшайдиган маблағлар ОТБнинг қайта кредитланадиган қарзининг бир қисмини тўлашга, шунингдек компаниянинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди: лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси; ОТБ қарзини тақсимлаш ва тўлаш схемаси, фоизлар

ва воситачилик ҳақи тўлаш жадвали ва «Трансйўлқурилиш» компанияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом.

### 2008 ЙИЛ – ЁШЛАР ЙИЛИ

2008 йил 29 февралда Президентнинг ПҚ-805-сон қарори билан «Ёшлар йили» Давлат дастури тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Унинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар эътироф этилди: амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш воситасида ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш; таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш; таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш ва модернизациялаш; таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш; олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлаштириш; болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш ва ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш.


Дастурни амалга оширишга 1 502 млрд

сўмдан зиёд, шу жумладан хорижий валютада – 54 770 минг доллардан ортиқ харажат сарф этиш режалаштирилган.

Республика комиссияси зиммасига Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, тегишли ҳудудий комиссиялар зиммасига эса Дастур чора-тадбирлари амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилган.

### ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда ресурс базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-811-сон қарори билан 2008-2010 йиллар мобайнида Жамғарма устав капиталини босқичма-босқич 5 млрд АҚШ долларига етказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамғарманнинг асосий фаолият йўналишларига қўшимча равишда унинг маблағлари қуйидагилар учун ишлатилиши мумкин: ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва тиклаш лойиҳаларини молиялаш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш; иқтисодиёт тармоқларини техникавий ва технологик қайта жиҳозлашни амалга ошириш; янги замонавий хорижий ускуналарни харид қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш; янги ташкил этилаётган молиявий институтлар ҳамда иқтисодиётнинг базавий



УШБУ СОНДА	1-2-бетлар	3-бет	5-бет	7-10-бетлар
	Янги ҳужжатларни тақдим этамиз	Март ойи учун солиқ ҳисоб-китоби	Бизнинг маслаҳатлар	Янги ҳужжатларда қандай янгиликлар бор?
	\$1 = 1299,48 сўм	€1 = 2008,09	€1 = 2624,04 сўм	¥10 = 127,95 сўм

**INTER-PRESS** АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2008  
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дний • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир  
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги  
• Караван Историй • Кларсон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

тел./факс: (99897) **119-0000**  
**155-0955**  
Тошкент ш., Навоий кўч., 13



# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

тармоқларида хорижий инвестициялар иштирокида стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг устав капиталига инвестиция киритиш; давлатнинг ташқи қарзлари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий кредиторлар олдидидаги мажбуриятларни муддатидан олдин тўлаш.

## ПАХТА – БОЙЛИГИМИЗ

Президентнинг 2008 йил 11 мартдаги ПҚ-815-сон қарори билан Президентнинг 2007 йил 21 ноябрдаги «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-733-сон қарорига мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг 2006 йил 21 апрелдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-330-сон ва 2006 йил 29 августдаги «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» ПҚ-456-сон қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

## ҚЎШИМЧА ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 февралдаги 35-сон қарори («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетидан чоп этилмоқда) билан нотариал органлар нотариал ишларни бажарганликлари ва нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини берганликлари учун, уларнинг битишувлар, аризалар лойиҳаларини тузиш берганликлари, ҳужжатлар ва улардан кўчирмалар тайёрлаб берганликлари учун давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритилмоқда. Чунончи, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташкилотлар ўртасида, фуқаролар ўртасида, ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ундирилади. Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва/ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун бож эса ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдоридан ундирилади.

## МАВСУМИЙ ТАЛАБ ОШГАНДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги «Маҳсулотларнинг монополь турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 36-сон қарори («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетидан чоп этилмоқда) билан белгиланишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори лик-

видли турларини сотишнинг бозор механизмининг жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 57-сон қарорига 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотлар турларига тегишли моддий балансларнинг чораклик ва ойлик ижроси жадвалларини тузиш прогнозлаштириладиган мавсумий талаб омиллари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Монополь маҳсулотга мавсумий талаб ошган даврларда Монопольга қарши давлат қўмитаси Иқтисодий вазирлигида монопольист корхоналар маҳсулотларининг юқори ликвидли турларига моддий баланслар параметрларининг чораклик ва ойлик ижроси жадвалларига тузатиш киритишга оид тақлифлар киритиш ва монопольист корхоналарга юқори ликвидли маҳсулотлар турларига киритилмаган монополь маҳсулотлар турларига биржа савдоларига мажбурий қўйиш ҳажмини белгилаш ҳуқуқига эга.

Ҳужжат билан Маҳсулотларнинг монополь турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди, унга мувофиқ юқори ликвидли монополь маҳсулотга прогнозлаштириладиган мавсумий талаб ўтган йилнинг шу даврларида бундай маҳсулотнинг биржа савдоларига қўйилиши ва сотилишини таҳлил қилишдан келиб чиқиб белгиланади.

## ХАЛҚ БАНКИНИНГ УСТАВИГА КЎРА...

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 мартдаги 39-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг янги тахрирдаги устави тасдиқланди.

Унга мувофиқ, банк очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиб, Молия вазирлиги ва Марказий банк унинг муассислари ҳисобланадилар. Банк фаолиятининг асосий мақсади жисмоний ва юридик шахсларга кенг доирадаги юқори сифатли банк хизматлари ва бошқа хизматларни кўрсатиш, шу жумладан кўрсатиб ўтилган шахслардан пул маблағларини омонатга жалб қилиш, кредит-ҳисоб-китоб ва бошқа хил банк операцияларини амалга ошириш, шунингдек ўз фаолиятдан фойда олиш ҳисобланади.

## ЁКИЛҒИ БЎЙИЧА ҚАРОРЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 мартдаги 42-сон қарори («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетидан чоп этилмоқда) билан нефть маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан ҳуқуқнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмининг янада такомиллаштириш тўғрисида» 225-сон қарорига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, 2008 йил 1 апрелдан бошлаб барча истеъмолчилар учун (нефтни қайта ишлаш заводларидан «Ўзнефтьмаҳсулот» АК нефть базаларига ва давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми учун қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига дизель ёнилғиси етказиб бериш бундан мустасно) олдиндан мажбурий ҳақ тўлашнинг қуйидаги миқдорла-

ри белгиланди: автомобиль бензини, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ учун – 100 фоиз миқдоридан; бошқа нефть маҳсулотлари учун – узил-кесил ҳисоб-китобларни 60 кун доирасида амалга оширган ҳолда, камида 50 фоиз миқдоридан. Шунингдек бошқа ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилди.

\*\*\*

Молия вазирининг буйруғига (АВ томонидан 2008 йил 6 мартда 1777-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ автобензин ва дизель ёнилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари қайта кўриб чиқилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). 2008 йил 16 мартдан бошлаб улар қуйидагини ташкил этади: А-76 ва Аи-80 маркали автобензинга – 1 тонна учун 173 100 сўм; Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркали автобензинга – 1 тонна учун 190 800 сўм; Аи-95 маркали автобензинга – 1 тонна учун 220 000 сўм; дизель ёнилғисига – 1 тонна учун 148 200 сўм.

## ИМТИЁЗЛИ РЎЙХАТ ТЎЛДИРИЛДИ

Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарори (АВ томонидан 2008 йил 4 мартда 1669-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

2008 йил 14 мартдан кучга кирди.

## МУДДАТ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарори қабул қилинди (АВ томонидан 2008 йил 4 мартда 832-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Шартномалар божхона органлари ва ваколатли банкларда ҳисобга қўйилиши керак бўлган муддатнинг бошланиш пайти белгиланди. Мазкур муддат бўлиб божхона органларига ариза келиб тушган кун ҳисобланади. Бепул асосдаги контрактлар, шунингдек юридик шахснинг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш мақсадида товарларни олиб кириш учун тузилган шартномалар (баённомалар) учун ҳисобга қўйиш муддати белгиланиб, у 2 иш кунидан иборат.

Шартномалар (баённомалар) – таъсис шартномаси (устав), техник ёки гуманитар ёрдам доирасида, бепул асосда товарлар етказиб бериш битимлиги бўйича; бепул асосда товарлар етказиб бериш бўйича таъсис шартномаси (устави) бўйича божхона органларига қўшимча равишда тақдим этиладиган ҳуж-

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 2 мартдан 15 мартгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 10-11-сонидан тасдиқланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.pogma.uz](http://www.pogma.uz) сайтидаги эркин қирладиغان «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.



жатлар рўйхати кенгайтирилди. Шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда тақдим этилган ташқи савдо контракти ва унга илова қилинган ҳужжатлар ариза берувчига ёзма шаклда, сабабларни кўрсатган ҳолда қайтарилиши белгиланган. Хатда кўрсатилган барча сабаблар бартараф этилган тақдирда эса контракт мажбурий равишда ҳисобга қўйилиши керак. 2008 йил 14 мартдан кучга кирди.

## ГАЗ УЧУН ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИҒИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори билан Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (АВ томонидан 2008 йил 5 мартдан 1776-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти пайдо бўладиган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, табиий газни экспортга реализация қилувчи юридик шахслар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлади. Қўшимча фойда солиғи ставкаси табиий газнинг 1 000 куб м учун 100 АҚШ долларидан ортиғига сўм эквивалентида 75 фоиз этиб белгиланди.

2008 йил 15 мартдан кучга кирди.

## АДВОКАТЛАР ЙЎРИҚНОМАСИ ЎЗ КУЧINI ЙЎҚОТДИ

Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори билан (АВ томонидан 2008 йил 7 мартда 1330-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди) Адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, шунингдек уни тасдиқлайдиган ва унга ўзгартиришлар киритган ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб топилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

2008 йил 17 мартдан кучга кирди.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 18 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1210,21	1 Польша злотийси	566,22
1 Англия фунт стерлинги	2624,04	1 СДР	2116,89
1 Дания кронаси	269,41	1 Туркия лираси	1052,30
1 БАА дирҳами	353,95	1 Швейцария франки	1276,25
1 АҚШ доллари	1299,48	1 ЕВРО	2008,09
1 Миср фунти	238,21	10 Жанубий Корея вони	13,33
1 Исландия кронаси	18,92	10 Япония иенаси	127,95
1 Канада доллари	1314,07	1 Россия рубли	54,57
1 Хитой юани	183,01	1 Украина гривнаси	257,32
1 Малайзия ринггити	408,46		

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	19.03.2008	1	0,8385	1	1,3164	1	0,0356
Арманистон	19.03.2008	1	309,31	1	487,35	1	13,15
Беларусь	20.03.2008	1	2146,00	1	3385,64	1	91,09
Грузия	20.03.2008	1	1,494	1	2,3556	1	0,0634
Қозғоғистон	20.03.2008	1	120,71	1	190,02	1	5,13
Латвия	20.03.2008	1	0,448	1	0,702804	1	0,019
Литва	20.03.2008	1	2,1966	1	3,4528	10	9,3252
Молдова	19.03.2008	1	10,6924	1	16,9069	1	0,4553
Тожикистон	19.03.2008	1	3,4486	1	5,4384	10	1,4655
Ўзбекистон	18.03.2008	1	1299,48	1	2008,09	1	54,57
Украина	19.03.2008	100	505,00	100	796,4355	10	2,146
Эстония	19.03.2008	1	9,93026	1	15,6466	1	0,422227

Манба: [www.pogma-tass.ru](http://www.pogma-tass.ru)

УШБУ СОНДА:

### УСТУВОРЛИКЛАР

- Инвестор - қонун ҳимоясида  
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
- Валюталар курси 1-2-бетлар  
- БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ  
- 2008 йилнинг март ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ ҳисоб-китоби 3-бет

### САНАЦИЯ ВА БАНКРОТЛИК МАСАЛАЛАРИ

- Ўзбекистон суд бошқарувчилари жамияти: "Феникс ташкилоти" 4-бет

### БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

### УЧТАСИ БИРДА

- Турига қараб ҳисоб юритинг  
- Қаҳвахона вақтинча ёпилди, бироқ... 5-бет

### КАДРЛАР БЎЛИМИ

- "Яхши ҳодим бетобликни таътилга тўғрилайди" 6-бет

### ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:  
- Давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида;  
- Маҳсулотларнинг монополь турларини мавсумий

талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида";  
- "Нефть маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида";

### Идораий-меърий ҳужжатлар:

- УзР Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг "Жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган хусусий курилиш объектларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланишга топшириш, рўйхатга ва ҳисобга олиш тартибини ўз ку-

чини йўқотган деб топил тўғрисида" ги қарори;  
- УзР МАИМКВ, МВнинг "Ишлайтган оналарга бола-ни икки йилга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қарори;  
- Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси "Ўздавэнергозорорат" бошқаруви "Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ги буйруғи. 7-10-бетлар  
- БИЗНЕС-ПАНОРАМА 11-16-бетлар



2008 йилнинг март ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган

СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(6 x 55 890) = 335 340 сўмгача	Даромад суммасининг 13 фоизи
335 341 сўмдан (10 x 55 890) = 558 900 сўмгача	43 594,2 сўм + 335 340 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи
558 900 сўм ва ундан юқори	83 835 сўм + 558 900 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сўм этиб белгиланган. Январь-март ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 55 890 сўмни (18 630 + 18 630 + 18 630) ташкил қилади.

**I МИСОЛ.** Корхона ходимига март ойи учун 100 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. Унинг январь-март ойлари учун жами даромади 300 000 сўмни (100 000 + 100 000 + 100 000) ташкил этади. Январь-февраль ойларида ушланган солиқ суммаси 26 000 сўмга тенг.

Унинг март ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-март ойлари учун солиқ суммаси (300 000 сўм даромаддан) аниқланади:

Ходимнинг январь-март ойлари учун даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – 335 340 сўм (55 890 x 6)дан ошмаслиги сабабли,

унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади:

$300\,000 \times 13\% = 39\,000$  сўм.

2. Март ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$39\,000 - 26\,000 = 13\,000$  сўм.

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1%и миқдорида белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарорининг 2-банди).

Январь-март ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридаги мажбурий ушланмалар суммаси 3 000 сўмни (300 000 x 1%) ташкил этади.

Январь-февраль ойларида 2 000 сўм ушлаб қолинган. Март ойида 1 000 сўм (3 000 – 2 000) ушланиши лозим.

4. Март ойи учун бюджетга 12 000 сўм (13 000 – 1 000) даромад солиғи ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%и миқдорида белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди).

Март ойи учун мажбурий сўғурта бадаллари ажратмаси ходимнинг барча иш ҳақи суммаси – 100 000 сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси 2 500 сўмни (100 000 x 2,5%) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолинганидан кейин март ойи учун иш ҳақи суммаси:

$100\,000 - 13\,000 - 2\,500 = 84\,500$  сўмни ташкил этади.

**II МИСОЛ.** Корхона ходимига март ойи учун 200 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-март ойлари учун жами даромади 600 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000) ташкил этади. Январь-февраль ойларида 62 740 сўм солиқ ушланган.

Унинг март ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-март ойлари учун солиқ суммаси (600 000 сўм даромаддан) аниқланади:

$83\,835 + (600\,000 - 558\,900) \times 25\% = 94\,110$  сўм.

2. Март ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$94\,110 - 62\,740 = 31\,370$  сўм.

3. Январь-март ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 6 000 сўмни (600 000 x 1%) ташкил этади, январь-февраль ойларида 4 000 сўм ушлаб қолинган, март ойида 2 000 сўм (6 000 – 4 000) ушланиши лозим.

4. Март ойи учун бюджетга 29 370 сўм (31 370 – 2 000) даромад солиғи ўтказилади.

**III МИСОЛ.** Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, хизматни

Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига қақирилган ҳарбий хизматга мажбурият) март ойи учун 200 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. Январь-март ойлари учун жами даромад 600 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000) ташкил этади. Ходимнинг январь-февраль ойларидаги даромадидан ушлаб қолинган солиқ суммаси 33 994,8 сўмни ташкил этади.

Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 бараварига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-март ойлари учун солиқ солинадиган жами даромади қуйидагиси ташкил этади:  $4 \times 55\,890 = 223\,560$  сўм.

Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:  $600\,000 - 223\,560 = 376\,440$  сўм.

2. Январь-март ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (600 000 сўм даромаддан):

$43\,594,2 + (376\,440 - 335\,340) \times 18\% = 50\,992,2$  сўм.

3. Март ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$50\,992,2 - 33\,994,8 = 16\,997,4$  сўм.

4. Январь-март ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 3 764,4 сўмни (376 440 x 1%) ташкил этади, январь-февраль ойларида 2 509,6 сўм ушлаб қолинган, март ойида 1 254,8 сўм (3 764,4 – 2 509,6) ушланиши лозим.

5. Март ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 15 742,6 сўмга (16 997,4 – 1 254,8) тенг.

**IV МИСОЛ.** Ходимга март ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 50 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдорида бўлган суммадаги совғаларнинг қийматига, яъни мазкур ҳолатда  $18\,630 \times 6 = 111\,780$  сўмга солиқ солинмайди.

Ходимнинг январь-март ойларидаги жами даромади 650 000 сўмни (200 000 + 50 000 + 200 000 + 200 000) ташкил этади. Январь-февраль ойларида 62 740 сўм солиқ ушланган. Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:  $650\,000 - 50\,000 = 600\,000$  сўм.

Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.

**V МИСОЛ.** Ходимга март ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган.

Ходимнинг январь-март ойларидаги жами даромади 750 000 сўмни (200 000 + 150 000 + 200 000 + 200 000) ташкил этади. Январь-февраль ойларида 72 295 сўм солиқ ушланган. Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:  $750\,000 - 111\,780 = 638\,220$  сўмга тенг.

2. Январь-март ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (638 220 сўм даромаддан):

$83\,835 + (638\,220 - 558\,900) \times 25\% = 103\,665$  сўм.

3. Март ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$103\,665 - 72\,295 = 31\,370$  сўм.

4. Январь-март ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 6 382,2 сўмни (638 220 x 1%) ташкил этади, январь-февраль ойларида 4 382,2 сўм ушлаб қолинган, март

ойида 2 000 сўм (6 382,2 – 4 382,2) ушланиши лозим.

5. Март ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 29 370 сўмга (31 370 – 2 000) тенг.

**VI МИСОЛ.** Ходимга март ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан унга январь ойида 250 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдорида кўрсатиладиган моддий ёрдам суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.

Ходимнинг январь-март ойлари учун жами даромади 850 000 сўмни (200 000 + 250 000 + 200 000 + 200 000) ташкил этади. Январь-февраль ойлари учун 69 350 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$18\,630 \times 12 = 223\,560$  сўм.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:  $850\,000 - 223\,560 = 626\,440$  сўм.

3. Январь-март ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (226 440 сўм даромаддан):

$83\,835 + (626\,440 - 558\,900) \times 25\% = 100\,720$  сўм.

4. Март ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$100\,720 - 69\,350 = 31\,370$  сўм.

5. Январь-март ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 6 264,4 сўмни (626 440 x 1%) ташкил этади, январь-февраль ойларида 4 264,4 сўм ушлаб қолинган, март ойида 2 000 сўм (6 264,4 – 4 264,4) ушланиши лозим.

6. Март ойи учун бюджетга 29 370 сўм (31 370 – 2 000) даромад солиғи ўтказилади.

**VII МИСОЛ.** Ходимга март ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан унинг аризасига биноан январь ойида унга 150 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган.

Ходимнинг январь-март ойлари учун жами даромади 750 000 сўмни (200 000 + 150 000 + 200 000 + 200 000) ташкил этади. Январь-февраль ойларида 62 740 сўм солиқ ушланган. Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

Моддий ёрдам суммаси – 150 000 сўм – имтиёз миқдоридан (18 630 x 12 = 223 560 сўм) ошмаслиги сабабли, солиқ солинадиган даромад:

$750\,000 - 150\,000 = 600\,000$  сўмга тенг.

Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.

**VIII МИСОЛ.** Корхона ходимига март ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг буйруғига биноан март ойида унга хизмат сафарлари учун «Нексия» русумли шахсий автомобилдан белгиланган тартибда фойдаланганлик учун компенсация тўланди. Компенсациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИХнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. «Нексия» русумли автомобиллар учун у энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.

Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари жумласига хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар киритилади.

Март ойи учун компенсация миқдори 93 150 сўмни (18 630 x 5) ташкил қилади ва белгиланган чегараланган нормадан ошмайди. Январь-март ойлари учун умумий компенсация суммаси 279 450 сўмдан (93 150 + 93 150 + 93 150) иборат.

Январь-март ойлари учун жами даромад 879 450 сўмни (200 000 + 93 150 + 200 000 + 93 150 + 200 000 + 93 150) ташкил этади. Январь-февраль ойларида 62 740 сўм солиқ ушланган.

Ходимнинг январь-март ойларидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:

$879\,450 - 62\,740 = 816\,710$  сўмга тенг.

2. Январь-март ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (816 710 сўм даромаддан):

$83\,835 + (816\,710 - 558\,900) \times 25\% = 103\,665$  сўм.

3. Март ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$103\,665 - 72\,295 = 31\,370$  сўм.

4. Январь-март ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 6 382,2 сўмни (638 220 x 1%) ташкил этади, январь-февраль ойларида 4 382,2 сўм ушлаб қолинган, март

ойида 2 000 сўм (6 382,2 – 4 382,2) ушланиши лозим.

5. Март ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 29 370 сўмга (31 370 – 2 000) тенг.

**IX МИСОЛ.** Корхона ходимига март ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг Ўзбекистон доирасида хизмат сафарига бўлган вақт учун суткалик харажатларни тўлаш ҳақидаги буйруғи билан республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 50%и миқдорида суткалик пуллар белгиланган. Январь-март ойларида ходим Бухоро шахрига 10 кунга, Фарғона шахрига 8 кунга ва Андижон шахрига 3 кунга хизмат сафарига юборилган. Суткалик тўловлар суммаси 195 615 сўмни (9 315 x 21) ташкил этади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва МАИМҚВнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 11-бандида белгиланган суткалик харажатлар нормаларини қўллаш лозим. Солиқ кодекси 174-моддасининг 9-бандига биноан жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган суткалик тўловлар нормалари Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари – вилоят марказларида – 1 863 сўмни (0,1 x 18 630) ташкил этади.

Бизнинг мисолда жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган суткалик тўловлар миқдори 39 123 сўмга (1 863 x 21) тенг. Белгиланган нормадан ортиқча суткалик тўловлар 156 492 сўмга (195 615 – 39 123) тенг.

Январь-март ойлари учун солиқ солинадиган жами даромад 756 492 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 156 492) ташкил этади. Январь-февраль ойларида 96 274 сўм солиқ ушланган.

Январь-март ойлари учун иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-март ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (756 492 сўм даромаддан):

$83\,835 + (756\,492 - 558\,900) \times 25\% = 133\,233$  сўм.

2. Март ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$133\,233 - 96\,274 = 36\,959$  сўм.

3. Январь-март ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 7 564,92 сўмни (756 492 x 1%) ташкил этади. Январь-февраль ойларида 5 341,36 сўм ушлаб қолинган, март ойида 2 223,56 сўм (7 564,92 – 5 341,36) ушланиши лозим.

4. Март ойи учун бюджетга 34 735 сўм (36 959 – 2 223,56) даромад солиғи суммаси ўтказилади.

**X МИСОЛ.** Март ойида ишга янги ходим қабул қилинди. Унга штат жадвалига мувофиқ 200 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Ходим бухгалтерияга аввалги асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этмади.

Солиқ кодекси 186-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади.

1. Март ойи учун солиқ суммаси аниқланади (200 000 сўм даромаддан):

$200\,000 \times 25\% = 50\,000$  сўм.

2. Март ойи учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 2 000 сўмни (200 000 x 1%) ташкил этади.

3. Март ойи учун бюджетга 48 000 сўм (50 000 – 2 000) даромад солиғи суммаси ўтказилади.

Белгиланган шаклда маълумотнома тақдим этилганидан сўнг қайта ҳисоб-китоб қилиш лозим.

**Ҳисоб-китобни эксперти, Солиқ маслаҳатчилари палатасин**



# ЎЗБЕКИСТОН СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ ЖАМИЯТИ: «ФЕНИКС ТАШКИЛОТИ»

Ўзбекистон суд бошқарувчилари жамияти (ЎСБЖ) ўтган йилги фаолияти якунларини, шунингдек яқин орадаги режа ва вазифаларини муҳокама қилди. 26 февралда ўтказилган йиллик ҳисобот анжуманида Жамият минтақавий бўлинмаларининг делегатлари, Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг раҳбарлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва республиканинг бошқа ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Унда ЎСБЖ раиси Баҳодир ҚОСИМОВ маъруза қилди.

Амалда 2007 йил Жамият бир маромда ишлаган дастлабки йил бўлди: у 2003 йилда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган ва мазкур соҳа мутахассисларини ихтиёрий равишда бирлаштирган бўлса-да, бир неча йил мобайнида деярли расман мавжуд бўлиб келди.

Ўтган йилда:

• ЎСБЖнинг минтақавий бўлинмалари шакллантирилди, уларнинг раҳбарлари сайланди, бўлинмалар зарур хоналар, ташкилий техника ва алоқа воситалари билан таъминланди, маҳаллий суд ва ҳокимиятнинг ижроия органлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бошқарувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича ўқув семинарлари ўтказилди.

• Жамият аъзоларига 137 суд бошқарувчиси, шунингдек икки юридик шахс: «**Hamkorlik mulksavdoservis**» МЧЖ ва Республика кўчаси мулк биржаси қабул қилинди. Улар билан шартномаларда банкрот корхоналар мол-мулкни сотиш бўйича оммавий савдоларни ўтказишда ўзаро ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

• 2007 йилда молиявий соғломлаштириш режимида 53 йирик корхона бўлган (суд санацияси – 12, ташқи бошқарув – 32). 16 йирик корхонанинг тўлов қобилияти тикланди, 92,05 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланди (2006 йилдагига қараганда 40% кўп), 73,6 млрд сўм соф тушум олинди, муддати ўтиб кетган 21,1 млрд сўм қарз қайтарилди (2006 йилдагига қараганда 3,7 баравар кўп), шу жумладан бюджетга 5,8 млрд сўм йўналтирилди. Ушбу корхоналарнинг айланма маблағлари 18,2 млрд сўмга тўлдирилди (2006 йилдагига қараганда 31,7% кўп).

• Зарар кўраётган 19 корхонадан 12 таси зарарларни қоплади ва тўлов қобилиятини тиклади.

• «УзКТЖМ» ОАЖ ташқи бошқарувчиси Илҳом Асадовнинг иши алоҳида қайд этилди. Илгари зарар кўриб ишлаган ушбу корхонада 2007 йилда 35,8 млрд сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди, экспортга етказиб беришлар ҳажми 27,7 млн АҚШ долларига етказилди, банк кредитларини сўндиришга 6,3 млрд сўм йўналтирилди. 2008 йил учун корхона буюртмалари портфели 44 млн АҚШ долларини ташкил қилди, ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш суръатлари 124,9% даражасида бўлиши тахмин қилинмоқда.

• Суд бошқарувчилари «Агрегат заводи» ОАЖ (Тошкент ш.), «Аснам текстиль» КК (Наманган вилояти), «3-КМК Ҳазорасп» ШК, «Урганч ипак курти тухуми» ОАЖ, «Гурлан» ОАЖ (Хоразм вилояти), «Самарқанд лифтсозлик заводи» ОАЖ, «Чимбой кирпич заводи» МЧЖ ва бир қатор бошқа корхоналарда ижобий натижаларга эришдилар.

• Ўтган йили 5 096 корхонада тугатиш иши юритилди (2006 йилдагидан 20,4% кўп). 69,7 млрд сўм

кредиторлик қарзи сўндирилди (бундан аввалги йил кўрсаткичларидан 17,5% кўп). Иш ҳақи бўйича қарзни сўндириш бундан аввалги йилга қараганда 5,2 баравар ўсди ва 5,1 млрд сўмни ташкил қилди. 67 корхона 66,5 млрд сўмга фойдали реализация қилинди. Тугатилган корхоналар ишлаб чиқаришини тиклаш учун 80,5 млрд сўм инвестиция жалб этилди (2006 йилдагига қараганда 4,4 баравар кўп). Ўзлаштирилган инвестициялар суммаси 13,5 млрд

2007 йилда ЎСБЖ ўз рамзига эга бўлди. Бундан буён банкрот корхоналар фаолияти тикланишига Қақнус қуши тимсол бўлади. Корхоналарни қайта тиклаш ҳамда уларни хусусан, меҳнат жамоаларининг ва умуман, мамлакат иқтисодиётининг фаровонлиги йўлида иш ва рақобатга бардошли, иқтисодий жиҳатдан бакувват корхоналарга айлантириш бўйича профессионал фикрдошлар бирлашмаси ана шундай рамзга лойиқдир.

сўмни ташкил қилди (2006 йилдагига қараганда 4,3 баравар кўп).

• Самарасиз мулкдорларни алмаштириш ва тугатилаётган корхоналарни фойдали реализация қилиш, қўшимча инвестицияларни жалб этиш 6,9 минг иш ўрнини



«Намангантекстиль» ОАЖ ва бошқа корхоналарда муваффақиятли иш олиб боришди.

• Солиқ органларининг 160 ходими ДСҚ Солиқ академияси негизда банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказиш учун суд бошқарувчиларини тайёрлаш бўйича курсларда таълим олдилар.

Жорий йилда Жамият ташқи бошқарув соҳасида мутахассисларнинг ягона реестри ва суд бошқарувчилари резервини шакллантиришни давом эттириш, улар фаолиятининг доимий мониторингини ташкил этиш, ЎСБЖ фаолиятини моддий-

техник таъминлашнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этишни режалаштирмоқда. Суд бошқарувчиси маълумот китобини чоп этиш мўлжалланмоқда, у суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш масалаларини, республикада банкротликнинг турли таомилларини ўтказиш тартибини белгилайдиган асосий меъёрий ва идоравий ҳужжатларни ўзида бирлаштириши керак. Бундан ташқари, ЎСБЖ таркибий қайта ташкил этилиши кутилмоқда: уни Ўзбекистон суд бошқарувчилари уюшмасига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Жорий йил бошида Суд бошқарувчилари жамияти консалтинг компанияси – «Phoenix consulting» МЧЖ<sup>1</sup> ни барпо этди. Ушбу ташкилот банкротлик таомиллари иштирокчиларига тижорат шартларида ахборот ва маркетинг хизматлари кўрсатиши мўлжалланмоқда. Агар Жамият манфаатларнинг эҳтимолий ихтилофига йўл қўймаслик учун компания билан ишлашни тўғри йўлга қўя олса, суд бошқарувчилари учун қойилмақом ёрдамчига айланиши мумкин.



Темур БОБОРАҲИМОВ, Ўзбекистон суд бошқарувчилари жамиятининг ижрочи директори:

– «Феникс консалтинг» компанияси тўғрисида кўпроқ билмоқчи эдим.

– Жамият уставида зиммага юкланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини барпо этиш имконияти назарда тутилган. Одатда суд бошқарувчиси бир талай муаммоларга тўқнаш келади. Улар орасида энг кўп учрайдиганлари – мол-мулк камомати, бухгалтерия ҳисобини юритишда камчилик ва нуқсонлар ва ҳоказо. У аввало корхона мол-мулкнинг бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши, барча моддий бойликларни инвентаризация қилиши, кредиторлик қарзи сўндирилишини таъминлаши, тўлов қобилияти ва

ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаши лозим. «Феникс консалтинг» компанияси суд бошқарувчилари ва банкротлик таомилларининг бошқа иштирокчиларига ахборот, консалтинг ва маркетинг хизматлари кўрсатиш учун барпо этилган.

– Маълумки, банкрот корхоналарнинг маблағлари жуда ҳам чекланган бўлади. Суд бошқарувчиси жуда катта қарзлари бўлган, айланма маблағлари гоёта оз, ишлаб чиқариш издан чиққан, мутахассисларнинг кўп қисми бўшаб кетган хўжалик юритувчи субъект ҳузурига келади... Эҳтимол, унга ҳақиқатан ҳам ахборот ва консалтинг хизматлари зарур бўлар. Бироқ банкрот корхона манфаатлари нуқтан назаридан олганда, келган бошқарувчининг ўзи барча зарур масалаларни ойдинлаштириб ва кўникмаларни эгаллаб, бусиз ҳам оз маблағларни консалтингга жалб этмагани яхшидир?

Ўз аъзоларининг юқори профессионал даражасини қўллаб туриш, тренинглар, семинарлар ўтказиш, ўқув ташкил этиш ва ҳоказолар учун Суд бошқарувчилари жамиятига пухта молиявий база кераклиги тушунарли. Бироқ янги компания манфаатларининг бир қадар ихтилофи учун база яратмасмикин? Корхона маблағларини жалб этиш, бошқа нарсалар билан бирга, унинг кредиторлари ман-

фаатларига дахл этади, улар орасида одатда давлат ҳам бўлади...

– Суд бошқарувчиси ойда камида бир марта кредиторлар умумий йиғилишига қилинган иш тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Кредиторлар унинг фаолиятини ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш бобида назорат қилишлари мумкин – келгуси тадбирлар режаси ва сметасини тасдиқлайдилар, ташқи бошқарув режасига риоя этилишини кузатадилар. Айттайлик, қарздорнинг мол-мулкни инвентаризациялаш учун махсус инвентаризация комиссияси тузилади. Бу ишга «Феникс консалтинг» МЧЖ мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, «Феникс консалтинг» МЧЖ Суд бошқарувчилари жамияти аъзоларига хизмат кўрсатаётганда уларга муайян афзалликлар ва имтиёзлар тақдим этади.

– Баҳолаш мустақил бўлсагина холис бўлиши мумкин. Суд бошқарувчилари жамияти томонидан таъсис этилган компаниянинг штатдаги ходими ҳисобланган баҳоловчини тўлиқ даражада мустақил деб ҳисобласа бўладими?

– Мол-мулкни баҳолаш ва уни савдога қўйиш – суд бошқарувчилари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири. Кўпинча ушбу масалаларда хатога йўл қўйилади. Баъзан вазият жиноят ишларини кўзга тиши тақозо этади. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун биз айти шундай ахборот-маслаҳат кузатуви жорий этдик. Баҳолав-

чининг иши – корхонага келиб, мол-мулкни баҳолаш холос. «Феникс консалтинг» мутахассислари эса суд бошқарувчисига санация ёки банкротлик таомилни самарали тугатишга ёрдам бериш учун ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ёрдам берадилар. Бундан ташқари, «Феникс консалтинг» МЧЖ, бошқа ҳар қандай мустақил баҳоловчи каби, ўз ишида қонун талаблари ва меъёрларига амал қилади.

– Санация аслида иқтисодиёт учун биз хоҳлагандек самарали ва мақсадга мувофиқ дастак эмас деган фикр мавжуд. Кўпинча корхонада у билан боғлиқ имтиёзли давр тугаши билан яна эски муаммолар юзага чиқади. Шу сабабли, – деб ҳисоблайди баъзи кишилар, – кўп ҳолларда вақт ва давлат маблағларини сарфлаб (санациянинг баъзи дастаклари – мажбурий тўловлар тўланишини ва давлат кредитлари қайтарилишини кечиктириш, ҳисоблаб ёзилган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариш – давлат маблағларини жалб этиш ҳисобланади) барибир яна банкротликка учраш ўрнига корхона учун дарҳол янги, янада самарали мулкдор ёки менежерни излаш яхшироқ. Бу ҳақда нима дейсиз?

– Банкротлик – бу, албатта, иқтисодиёт учун анча самарали дастак, бироқ судгача санациядан воз кечиш ва мураккаб иқтисодий аҳволда қолиши биланоқ барча корхоналарни бараварига тугатиш ҳам тўғри эмас. Амалиётда санация баъзи бир сабабларга кўра самарасиз бўладиган ҳоллар учрайди, албатта. Бироқ кўпчилик ҳолларда ушбу дастак бир маромда ишляпти.

Юлия ЯШИНА, махсус мухбир. Муаллиф олган суратлар.

<sup>1</sup> Матн давомида – «Феникс консалтинг».




## УЧТАСИ БИРДА

**?** Корхонамиз чигитга ишлов бера бошлади: биз уларни сотиб оламиз, ишлов берамиз, экиш вақти келганда эса – сотамиз. Бундан ташқари, ўз хўжалигимиз мавжуд, унда чигит етиштирамиз.

Фаолиятимиз қандай маҳсулот ишлаб чиқаришга киради – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришгами ёки саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга? Статистика органларидагиларнинг бизга айтишларича, чигитга кимёвий дорилар билан ишлов бериш саноат маҳсулотига тааллуқлидир. Бироқ баъзи давлат органлари (бирор-бир ҳужжатни асос қилиб келтирмасдан) чигитга ишлов бериш қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришга киради деб таъкидлашмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларида муайян таъкиднинг тўғрилигини тасдиқлайдиган бирор-бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжудми? Ўз фаолиятимизга солиқ солиш мақсадида бунини билишимиз зарур.

Э.Каримова.

– Саволингизга аниқ жавоб бериш учун асос бўладиган ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд эмас. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (2003 йил 24 апрелдаги 474-И-сон Қонун таҳририда) 3-моддасининг ўн тўққизинчи хатбошисига кўра қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги ёки юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжалиги, шунингдек фаолиятининг асосий тури товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан иборат бўлган бошқа юридик шахслар қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳисобланади.



хом ашёсини етиштирса (масалан, ўстирса), унга ишлов берса, сўнгра олинган товарни сотса, бундай фаолият қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобланади.

Сизнинг ҳолатингизда чигит сотиб олиб, унга ишлов берган ҳолда сотаётган корхона саноат ишлаб чиқариши билан, чигит етиштириб ва уни сотиб – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланмоқда. Мазкур ҳолда солиқ солиш мақсади учун корхонамиз амалга ошираётган қандай фаолият тури асосий фаолият тури ҳисобланиши аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, корхонада амалга оширилаётган ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида ҳисоб юритилиши кераклигини эслатиб ўтамиз.

Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, агар сотиб олинаётган чигитга унинг товар сифатларини корхона чигитни сотадиган экиш вақти бошлангунга қадар сақлаб қолиш мақсадида ишлов берилса ва мазкур ишлов бериш натижасида чигит янги сифатларга эга бўлмаса, корхонанинг бундай фаолияти савдо фаолияти ҳисобланади (Солиқ кодекси 22-моддаси ўн саккизинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда).

Екатерина БУХТИЯРОВА, эксперт-юрист.

Солиқ кодекси (2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқланган) 22-моддасининг учинчи хатбошисига кўра юридик шахснинг умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиладиган фаолияти-юридик шахснинг асосий фаолият тури ҳисобланади.

## ТУРИГА ҚАРАБ ҲИСОБ ЮРИТИНГ

**?** МЧЖ (ХХТУТ коди 71211 – савдо корхонаси) – ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлиб, ходимлари сони 20 киши, улгуржи савдога лицензияси бор, ёзув-чизув қуролларини улгуржи сотиш билан шуғулланади, даврий нашрлар билан чакана савдо қилади ва корхоналарни даврий нашрларга обуна қилишни ташкил этади.

Ушбу вазиятда ягона солиқ тўлови қандай ставка бўйича ҳисоблаб ёзилиши керак? У ҳар ойда ёки ҳар чоракда тўланиши керакми?

Р.Жамолов, бош бухгалтер.

– Корхонамиз Солиқ кодекси 353-моддасининг қоидаларига амал қилиши керак, унда белгиланишича, турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланган ягона солиқ тўловчиси тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари

ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак.

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар (бундан дорихона ташкилотлари мустасно) ягона солиқ тўловини:

улгуржи савдо бўйича 5%лик ставка бўйича;

чакана савдо бўйича ташкилот жойлашган жойга боғлиқ ҳолда белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига\* 9-1-илова).

Корхоналарни даврий нашрларга обуна қилиш бўйича ишларни ташкил этишдан олинган тушумга ташкилотнинг мазкур фаолият турини амалга ошираётган шартнома турига боғлиқ ҳолда ставкалар бўйича солиқ солинади. Масалан, агар бу воситачилик шартномаси бўлса, тушумга 33%лик ставка бўйича солиқ солинади (Президентнинг ПҚ-744-сон қарорига\* 9-илова).

Ташкилотнинг ходимлари сони мезонига кўра кичик корхона саналади. Солиқ кодексининг 360-моддасига биноан ягона солиқ тўловини кичик корхоналар ҳар чоракда, ҳисоб-китоби тақдим этиш мuddатидан кечиктирмай тўлашлари керак.

## ҚАҲВАХОНА ВАҚТИНЧА ЁПИЛДИ, БИРОҚ...

**?** 2007 йилда корхонамиз бир неча фаолият турини амалга оширган. Асосийси ҳамма вақт сартарошлик хизматлари бўлиб келган. Шунингдек бизда компьютер клуби мавжуд. 2007 йилдан бошлаб умумий овқатланиш билан шуғулланишга уриниб кўрдик (қаҳвахонамиз бор). Қиш даврида иситиш тизими йўқлиги боис қаҳвахона ишини ёзга қадар тўхтатдик. 2007 йил якунлари бўйича сартарошлик хизматлари улуши 39%, компьютер клуби хизматлари 19%, қаҳвахона фаолияти 42%ни ташкил қилди.

2008 йилда ягона солиқ тўловини қандай тўлаймиз? Фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича ёки биророрта алоҳида тури бўйича? Солиқ ставкаси ўзгарган, шу боис хато қилишдан қўрқамиз. Агар умумий овқатланиш улуши 42%ни ташкил қилса ва шу боис асосий фаолият тури каби ҳисоблангандек кўринса-да, бироқ ҳозир ушбу фаолият билан вақтинча шуғулланмаяпмиз-ку?

– Солиқ кодексининг 350-моддасига кўра солиқ солиш мақсадида асосий (соҳа) фаолият тури олдинги йил якунлари бўйича умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият ҳисобланадиган корхоналар жорий солиқ даврида умумий овқатланиш корхоналарига киритилади.

Корхонамизнинг 2007 йилдаги фаолияти якунлари бўйича тушум ҳажмида энг кўп салмоқни умумий овқатланиш эгаллади – 42%. Гарчи ушбу фаолият вақтинча тўхтатилган бўлса-да, корхонамиз 2008 йилда умумий овқатланиш корхоналарига ва ягона солиқ тўловини тўловчиларга киради.

Солиқ кодексининг 353-моддасига мувофиқ турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу

фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак.

Шу сабабли 2008 йилда корхонамиз ягона солиқ тўловини Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига\* 9, 9-1-иловаларда ҳар хил фаолият турлари учун белгиланган қуйидаги ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлаши керак:

умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият бўйича 10%лик ставка бўйича (9-1-илова);

компьютер клуби фаолияти ва сартарошлик хизматлари кўрсатишдан олинган тушумдан 8%лик ставка бўйича (9-илова).

Агар сиз бошқа даромадларга эга бўлсангиз, Солиқ кодексининг юқорида кўрсатилган моддасига мувофиқ уларга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича, яъни 10%лик ставка бўйича солиқ солиниши керак.

\* Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроектсодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори.

Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

**NORMA**  
Ахборот-ҳуқуқий тизими

**АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ**

Тошкент ш.а: (99871) 237-07-78, 237-45-29  
Гулистон ш.а: (3672) 27-58-97  
Самарканд ш.а: (3662) 34-16-12  
Наманган ш.а: (3692) 32-84-26  
Фарғона ш.а: (3732) 26-78-80  
Андижон ш.а: (3742) 50-25-96  
Қарши ш.а: (99875) 227-18-11

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

## РЕКЛАМА

### БЕРАТОР – ишлаш ҳам осонлашди! Акция! Ҳар 3 кунда янгилаш!

Бераторга ёки 15.03. дан 15.04.08й. гача янгилашга ҳақ тўлаганларнинг барчаси электрон почта орқали ҳар 3 кунда қўшимча янгиланишларни оладилар.

Илгари бухгалтер қонун МАТНИНИ ўқиб, уни қўллашга уринарди. Барибир баъзан янгиларди... Энди бухгалтерлар «БЕРАТОР»дан фойдаланадилар, унинг саҳифаларида бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир мавзуси бўйича ВАЗИЯТЛАР алоҳида бобларда берилган (жами 1000 га яқин). Масалан, «Касаллик варақасига ҳақ тўлаш» зарур бобни очсангиз, унда сизнинг вазиятингизга оид тушунтиришлар, мисоллар, провадқалар, бирламчи ҳужжатлар ва қонунларга ҳаволаларни топасиз. Ҳаммаси янги Солиқ кодекси бўйича!

Бухгалтерия+Солиқ солиш+Йилига 12 та янгилаш = 2 та маълумотномага 117 минг сўм! Ёки 40 минг сўм ва бўлиб-бўлиб тўлаш. Шунингдек CD да ва Ўзбек тилида.

Шунингдек «Раҳбар бератори» фирманинг бутун фаолиятини ўз ичига оладиган 800 та бошқарув вазияти ва «Мансабдор шахслар ва ташкилот жавобгарлиги» бўлими (БЕРАТОРИ борларга 10% чегирма)

«Академпресса» ва БТЛ Тел.: 142-05-42, 142-06-96, 142-14-10, 380-93-52 (ички назорат бўлими). Бератор фрагментлари, сарлавҳалар ва шартномалар факс ёки e-mail орқали: uzberator@rambler.ru Демонверсия www.berator.uz да, виллоятларга етказиб бериш.

Виллоятлардаги вакиллар: Андижон ш. 8-374-2262211, Наманган ш. 8-369-2320273, 3413, Навоий ш. 8-436-2235610, Кўқон ш. 8-37355-28374, Фарғона ш. 8-373-2236199, 998-98576, Самарканд ш. 8-366(2)-222402, 343250

## ЯНГИЛАНУВЧИ ҚўЛЛАНМАЛАР



Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими?  
Янги Солиқ кодекси чиқдими??

Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???

ҚўЛ ОСТИНГИЗДА ҚўЛЛАНМАЛАРИМИЗ БўЛСА, БУ МУАММО ЭМАС

«АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ»  
1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар

«АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ»  
2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар

12 ой давомида 6 та янгилаш

● Тушунтиришлар ● Шарҳлар ● Тавсиялар

Биз иккитани бирда, учтани иккитада бирлаштирмаймиз –  
Биз тўлиқ ахборот берамиз!

Қўшимча ахборот учун телефонлар: 244-89-17, 244-44-29, 232-18-80



# «ЯХШИ ХОДИМ БЕТОБЛИКНИ ТАЪТИЛГА ТЎҒРИЛАЙДИ»

Клаус Кобьелл европача мезон билан қаралса, кичик бир тадбиркор. Унинг чоғроқ Schindlerhof меҳмонхонаси бор. 70 киши ишлайдиган бу меҳмонхонанинг пул айланмаси 8,5 миллион еврога боради. Айни бир вақтда Клаус Европада ходимларни бошқариш борасида бозори чаққон маслаҳатчилардан биридир. Унинг қаламига мансуб «Экшн усулида рағбатлантириш», «Буни маркетинг дейдилар», «Янада яхшироқ бўлиш учун нима қилиш керак?» деган китоблари Европадаги бизнесга оид адабиётлар орасида олдинги ўринлардан бирида юради.

Клауснинг меҳмонхонасида тартиб қаттиқ – ходимлар иш вақтидан ташқари ишларни текинга адо этадилар, товлари қочиб қолганда ҳам иш жойини ташлаб кетмасликка ҳаракат қиладилар. Улар чекмаслиги, вазни ортиб, семириб қорин қўймаслиги керак. Бўш вақтларида семинарларга, ҳар хил тренингларга қатнашишлари шарт. Оладиган маошлари тармоқ бўйича ўртача маошдан озгина кўпроқ.

Шунга қарамай Schindlerhof меҳмонхонаси 2007 йилда Европадаги энг яхши иш берувчилар танловида ғолиб чиқди. Бунга қадар ҳам мазкур меҳмонхона олти марта қитъанинг энг яхши меҳмонхонаси деб эътироф этилган, икки марта Германия саноатчилари бирлашмасидан сифат мукофоти олган эди. Бу муваффақиятнинг сирт томони, холос. Меҳмонхонанинг ҳар бир ходими компанияга йилига 120 минг евро тушум келтирмоқда. Бу шу тармоқ бўйича Германиядаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўпдир.

Клаус Кобьелл қаттиқ тартиб-интизом билан ходимларнинг ақл бовар қилмайдиган даражадаги самардорлигини қай йўсинда уйғунлаштиришга муваффақ бўлаётганлиги ҳақида фахр ва ифтихор билан гапирди.

## «ПУЛНИ ГИГИЕНА ОМИЛИ ДЕСА БЎЛАДИ»

Чуқурроқ қараладиган бўлса, барча китобларимни, ўтказилаётган семинарларни меҳмонхонасиз тасаввур этиб бўлмайди. Қандай ишлаш кераклигини шахсан ўзинг кўрсата олмасанг, одамларга бирон нарсани ўргатишингдан не наф? Меҳмонхонадаги ютук консалтинг билан шуғулланишимга имкон берди. Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор – меҳмонхона ҳеч бир рекламасиз ҳам ҳаммаша 100 фоиз меҳмон билан тўла. Мабодо меҳмон бўлиб келиш истагингиз бўлса, икки йилча навбат кутишингизга тўғри келади десам муболаға эмас.

Мен уяли телефондан мутлақо фойдаланмайман. Schindlerhofда бир ойда беш кун бўламан, холос. Шундай бўлса-да, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, биз назоратни бекор қилганмиз. Фақат умумий қоидалар амал қилмоқда, холос. Дарвоқе, бу қоидаларни ходимларнинг ўзи ўйлашган, уларга риоя этилишини бутун жамоа кузатиб бориши керак.

Барча ходимларнинг фикр-ўйи бир бўлгач, доимий назоратга не ҳожат? Пул айланмасини икки ҳисса кўпайтириш ёки бозорда қандайдир каттарок маррани эгаллаш истагимиз йўқ. Ўз ишимизни яхшироқ бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз, холос. Юқорида айтилган ҳолат эса, марказдан олисроқ жойдаги анчайин футбол командаси тренери чемпионлар лигаси мусобақаларини ютиб чиқамиз дегандай бир гап. Одам ўз олдига салмоқли, муҳим бир вазифани мақсад қилиб қўйса, унда эндорфин деган бахтиёрлик гормонлари жўш уради экан. Биз ўз олдимишга Германиянинг энг олди меҳмонхоналаридан бири бўлиш муддасини кўйгандик. Бу мақсадга эришдик – олти йилдирки, сурункасига шу рутбада турибмиз.

Гапнинг рости, меҳмонхонам Германияда энг яхши меҳмонхонага айланганлигидан энг аввало ўзимга фойда. Меҳмонхона ходимлари ҳам компаниядан ҳақли равишда ғурурланадилар. Ҳамма ҳам иши яхши юришиб турган одам билан ишлагиси келади, албатта. Меҳмонхонамизда ишлаётган одамларнинг мендан

афзаллик жиҳати бор – улар бу ерда уч йил ишлаган бўлсалар, бас, уларни ҳар қандай рақобатлашувчи жон-жон деб ўзига ишга олишга тайёр. Бошқа меҳмонхоналарда иш ўрганганларга нисбатан камида 1000 евро кўпроқ маош олишлари турган гап.

Фолиблар сафида юришининг яна бир қизиқ томони бор. Отчопарда пойгани аргумоқ ютади, аммо мўмайгина гонорарни тобгир (жокей) олади. Хўш, нима учун? Афтидан, аргумоқлар елдек учиб маррага етиб боришининг бошқа сабаблари ҳам бўлса керак.

Кўпинча мендан рағбатлантиришга асосланган тизимингизда пул қандай роль ўйнайди деб сўрашади. Пулни гигиена омили деса бўлади. Уни қиртишлаб соқол олиганидан кейин юзга суртиладиган мой упага ўхшатиш ҳам мумкин. Бундай мой упани камроқ суртсангиз, юз териси қизаринкираб қолади, ачишади. Кўпроқ суртиб юборсангиз, одам ўзини ноқулай сезади. Пул ҳам худди шу мой упага ўхшайди, қанча керак бўлса, шунча бўлиши, сира ортиқча бўлмаслиги керак. Биз тармоқ бўйича ўртача иш ҳақидан озгина кўпроқ иш ҳақи тўлашимиз боиси ҳам шу.

Пулни мен эмас, мижозларимиз тўлашади. Мен ўртада воситачиман, холос. Агар мижозлар ишимиздан мамнун бўлса, даромад ортади, бинобарин бундан пулнинг ҳамма фойда. Бизда компания қанча пул топапти ва қанчасини харжляпти – ҳамма яхши билади. Бу ойда қанча мукофот олишга умид қилиш мумкинлиги ёки бу сафар орқа-ўнгига қараб пул харжлашга тўғри келиши ҳам ҳаммага аён.

Мен бу борадаги маълумот ва ахборотлар рақобатлашувчиларга, солиқ хизматига ва бошқа жойларга «қанот чиқариб» боришдан сира чўчимайман. Чунки ҳалол, очик-ошкора бизнес юритмоқдаман, яширадиган нарсам йўқ. Рақобатлашувчиларим аллақандай режаларимиз ёки ноу-хауларимиздан хабар топди ҳам дейлик. Улар ўзларида уни татбиқ этгунларига қадар биз янада илгарироқ қараб кетамиз.

Schindlerhof меҳмонхонаси ходимлари иш ҳақини ўзларига ўзлари тайинлайдилар. Бу усул яхши иш бермоқда. Тизим мураккаб эмас. Ишга жойлашаётган ходим аввалги иш жойида қанча ҳақ олганлигини, яқин орада даромади қанча бўлишини хоҳлашини, қолаверса айни шу аснода меҳнатини унингча қанчага баҳолаш мумкинлигини бирма-бир ёзиб беради. Биз ундан бу масалага ўз ўзини танқид руҳида ёндашини сўраймиз. Негаки, катта маош жавобгарлик ҳам катта бўлишини тақозо этади. Агар одам камтарлик қилган бўлса, яқин вақт ичида маоши ҳам, мансаби ҳам ортади. Борди-ю, ўзига ортиқча баҳо бериб юборган бўлса, гинаси ўзида. Оддий ошпаз бош ошпаз бўлиши мумкин, аммо бош ошпазни мартабасидан пасайтириб бўлмайди: ишдан бўшашдан бошқа иложи йўқ. Ушаламаган орзу рўёбга чиқиши мумкин, аммо ўзини ўзи алдаб юрган ёмон.

## «АМАЛ ЭГАЛАРИ, ТЎРАЛАР НИМА ДЕБ ЎЙЛАШИ МЕНИ ТАРИҚЧА ҲАМ ҚИЗИҚТИРМАЙДИ»

Биз ходимларни рағбатлантиришнинг МАХ (ходимнинг акция индекси) деб аталган янги тизимини ўйлаб топдик ва Европада юзга яқин корхонада жорий этдик. Унинг моҳияти компаниянинг ҳар бир ходими мансаб пиллапоясига бўйлаб кўтарилиб боришининг ниҳоятда очик-ошкора-

лигидадир. Ўзимизнинг Schindlerhof мисолида сўз юрита қолайлик. Беш йил муқаддам бизнинг буюртма асосида биржа ким ошди савдосига ўхшаб кетадиган компьютер дастури яратилди. Унда компанияларнинг ўрнига меҳмонхона ходимлари баҳо белгилаб борадилар. Уларнинг ҳар бири ўз акциясига эга ва бу акция баҳоси ошиб ёки пасайиб бориши мумкин. Шунга эътибор бериш жоизки, мазкур тизимнинг компаниямиз акциядорлик қиймати билан ҳеч бир боғлиқлик жиҳати йўқ. Schindlerhof меҳмонхонасининг ягона мулкдори менинг оилам бўлиб қолаверади.

Ходимларнинг шахсан баҳо қўйиб бориши уларнинг даромадларига бевосита таъсир этмайди. Аммо рўйхатимизда дастлабки йигирма ўринда бораётган ходимларгина одатда мансаби ва мукофоти ошишидан умид қила олади. Бошқаларга қараганда тезроқ малакаси ва маҳоратини ошираётганларни ўзим шахсан мукофот билан рағбатлантириб бораман. Ой якунлари бўйича ўз акцияси курси энг кўп ўсишига эришган ходим келаси ойда Mini кабриолет автомобили олади.

Автомобиль шунчаки муваффақият рамзидир. Олди менежерларимиз, агар омадлари келиб етакчилар қаторига ўтиб олсалар, ҳайбатли, серҳашам BMW ва Mercedes машиналарини уйда қолдириб, ишга мўъжазгина Mini машинасида келишни маъқул кўрадилар. Таассуфки, бу курашда омадим келмади – бундай машинани ҳайдаш бахтига мушарраф бўлмадим. Бот-бот бошқа жойларда бўлишга тўғри келганлиги акциянинг курси кўтарилишига монелик қилди.

Бир кун бизда иш ўрганаётган бир қиз менга бошқачароқ, истеҳзоли қараётганлиги, учрашиб қолганимизда мийғида қулиб қўйиши эътиборимни тортди. Унинг акциясига назар ташлаганимдан кейингина сабабини тушундим. У бу баҳсда мендан олдинроққа ўтиб кетган экан.

Ходимларнинг акциялари баҳосига кўп нараса таъсир этади. Мижозлар билан тортишиш, семинар ва тренингларга бормаслик, касал бўлиб беморлик варақасини тез-тез олиб туриш, чекиш, семириш, иш стандартларига риоя этмаслик рейтингни туширадиган сабаблар сирасига киради. Бизда телефон гўшагини учинчи кўнғироқ бўлгунга қадар кўтариш, электрон йўл билан олинган хатга икки соат ичида жавоб қайтариш таомил бўлиб қолган. Ана шу тартиботни бузиш ҳам акциянгиз пасайишига олиб бориши турган гап. Рейтингни ошириш эса анча мураккабдир. Бунда асосий усул янги ғояларни жорий этишдир. Чунинчи, ходимларимиздан бири маъданли сувни салқин сақлаш учун идишни рангли муз билан тўлдирини таклиф этди. Натижада минерал сув савдоси икки баравар ортди. Бошқаси ресторанинг олдидаги машина қўйиладиган жойга буюртма берган меҳмон автомобили рақами ёзиб қўйиладиган кўрсаткич ўрнатиш таклифи билан чиқди. Бундан гарчи тўғридан-тўғри самара бўлмаган эса-да, меҳмонлар янгиликни ҳис этишди: кечкурун ресторанига келганимизда машина қўйиш жойидаёқ сени кутаётганликларини билиш кимга ҳам хуш келмайди дейсиз. Шу зайл ҳар хил ғоялар амалиётга жорий этилмоқда. Уларнинг баъзилари ходимларнинг турмушини энгиллаштиради, бошқалари меҳмонлар учун қўшимча сервис кўрсатилишини таъминлайди. Меҳмонхона атрофидаги экологик



вазиятни яхшилашга қаратилган ғоялар ҳам бўлди.

Кўпчилик биздаги тартибот меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қай даражада мувофиқлигига қизиқади. Ахир касаллик варақаси учун жарима қайси инспекторларга ёқарди дейсиз. Аммо биринчидан, касаллик варақалари маошга эмас, ходимнинг фақат шахсий рейтингига таъсир этади. Иккинчидан, мен хусусий тадбиркорман. Амал эгалари, тўралар нима деб ўйлаши мени тариқча ҳам қизиқтирмайди. Умумий ишимизни ўйлайдиган ходим, таъбир жоиз бўлса, ўзини таътил даврида касал бўлишга ҳақли деб билади.

Бир кун меҳмонхона менежерларидан бири тоғ чангисига учиб, қўлини синдириб олди. Икки кундан кейин уни ишда қўли гипсланган ҳолда кўриб қолдим. Дарҳол уйга жўнашини айтдим, албатта. У эса наҳотки бу ойда мендан ўзиб кетишингизга имкониёт берсам деб жавоб қилди. МАХ ҳамма одамларимни ўз измига тушириб олган. Улар ўз истиқболларини идора этиш воситасини ўз қўлларидан тутиб турибдилар.

## ХОДИМНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИГА АВТОМАТ БАҲО БЕРАДИ

Бундай қараганда ходимнинг чекиши, семизликка мойиллиги меҳмонхона иши самардорлигига ҳеч бир алоқаси йўқдек. Аммо ўйлаб қаралса, чекувчилар кўпроқ касалликка чалинади, улар йўқлигидея чекмайдиган ҳамкасблари улар учун ишлашлари керак. Наҳотки бу адолатдан бўлса?! Ортиқча вазн орттиришга қарши кураш эса бизнесимизнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқдир. Таътил вақтида емакхона пештахтаси ортида хўппа семиз ходимни кўриш ҳаммага ҳам маъқул келармасам керак.

Лекин энг муҳими, самардорликни баҳолаш мезонларини ходимларнинг ўзи ишлаб чиққанлигидир. Ўзи ўйлаб топган қоидаларни қайси одам бузишни ёқтиради дейсиз.

МАХ жорий этилганидан буён биздан фақат икки киши янги қоидаларга дош беролмай ишдан бўшаб кетди. Ишга қабул қилиш асносида шу қоидаларни тушунтираётганимизда ҳам бизга ишга кириш истагидагиларнинг бир қисми фикридан қайтган бўлса эҳтимол. Футбол ўйинини чинакамига ёқтирадиганларгина копток ўйнайдилар. Ёқмас, спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиб қўя қоладилар.

Яна бир мисол. Ажойиб қандолатпаз, зўр-зўр ширинликлар тайёрловчи бир ходимимиз рейтингимизда охириги ўринни эгаллаб турибди. У ўз ишини аъло даражада удралайди, бироқ меҳмонхона ҳаётида иштирок этмайди ҳисоб. Уни ишдан бўшатини ниятим йўқ, аммо менежер бўлишдан у умид қилмасам ҳам бўлади. Менимча, бу нараса унга керак ҳам эмас.

МАХ тизими қандайдир даражада социалистик мусобақани эслатади.

Фарқи, қизил байроқ ўрнига кабриолет автомобили берилади ғолибга. Менинг фикримча, рағбатлантиришнинг капиталистик ва социалистик усулларининг энг сархилларини ўзида мужассам этувчи шу сингари аралаш моделларнинг келгусида истиқболи янада порлоқ. Ишчилар пул эвазига сотиб олинмайдиган, ходимларнинг ўзи ҳақида эса бош қотириб ўтирилмайдиган ваҳшийлик хусусиятига эга бўлган капитализм даври ўтмишга айланмоқда. Эндиликда одамларни пулга сотиб олиб бўлмаслигини, уларни фақат ғояга қизиқтириш орқали ўзига оғдириш мумкинлигини ҳамма тушуна бошлади. Кундек равшан, очик-ошкор хизмат пиллапоясига ғоясининг, ўз тақдирининг ўзинг идора эта билиш ғоясининг нима ёмон томони бор? Яхши биламанки, ҳар қандай компанияда етакчилар ва қолақлар бор, лекин муаммо бу нараса ниҳоятда чалқаш, раҳбарлар учун ҳам, ходимларнинг ўзи учун ҳам тушунарли эканлигидир. Бирон одамнинг мансабини оширишни мўлжаллашмоқда, аммо у эришган маррадан юқори кўтарилишдан умидини аллақачон узиб бўлган, руҳи синиқ ҳолда юради, бошқа жойлардан тузукроқ иш топиш ҳаёлига боради.

Биз ўз дастуримизни сертификатлаш, моделни кўпайтириш ҳаракатига тушдик. Европадаги 93 компанияда моделимиз амал қилмоқда. Улар орасида Лихтенштейндаги банк, OBI иккита қурилиш бозори, станоксозлик заводи, ҳатто иккита чоғроқ шахар мэрияси ҳам бор. Бу тизим баҳо мезонларини жойларда шароитга қараб мослаштиришни тақозо этади, аммо ҳамма жойда яхши иш бермоқда. Айтайлик, бизда чекувчи ходимлар балли пасаяди, бошқа жойда спиртли ичкиликни суиистеъмол қилганларга жарима белгилашлари мумкин. Дарвоқе, МАХни ишлаб чиқиш учун қилган харажатларимиз аллақачон ўзини оқлади.

Кўпгина раҳбарлар негадир қўл остидагиларга нисбатан кўпол муносабатда бўлиш, қаттиққўллик қилиш билан обрў орттирмай деб ўйлайдилар. Ходимлар қоида-тартиботга мутлақо эътибор бермайдиган ва риоя қилмайдиган жойларда бу нараса ўзини қисман оқласа эҳтимол. Аммо бу йўлни охири яхшиликка олиб бормади. Зотан кўполлик аслида ожизлик, заифлик, мураса йўлини топа билмаслик ифодасидир. Нўноқ ходимлар ҳар қандай бизнес учун баайин захар. Ходимнинг иши, фазилатларини баҳолашнинг автоматлаштирилган аниқ мезонларини ишлаб чиқишни тақозо этувчи тизим эса шундай ҳолларда айни муддаодир. Акцияси баҳосига шундоқки-на кўз ташлаб ўз ишида ниманидир ўзгартириш зарурлигини тушуниб англаб олган ходимларга ўшқиршга ҳожат ҳам йўқ.

Хорижий матбуот материалларидан.



# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

- «Давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»;
- «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»;
- «Нефть маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

- ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг «Жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган хусусий қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланишга топшириш, рўйхатга ва ҳисобга олиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори;
- ЎзР МАИМКВ, МВнинг «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори;
- Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлигининг «Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 10-11-сон, 59-модда)

Иккиламчи бозорда Ватанимизда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини сотишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида» 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 4-бандига 2008 йил 1 апрелдан бошлаб иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат божларининг янги ставкаларини ягона тарзда ва тўғри қўллаш мақсадида нотариусларга тушун-

тириш ва йўриқнома бериш, шунингдек автотранспорт воситаларининг фойдаланиш муддатларини аниқлаш тартибини белгилаш чора-тадбирларини амалга оширсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Бош вазир ўринбосари Қ.С.Санақулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 29 февраль  
35-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 29 февралдаги 35-сон қарорига  
ИЛОВА

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1994 ЙИЛ 3 НОЯБРДАГИ 533-СОН  
ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИНИНГ  
4-БАНДИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР**

1. «к» кичик бандга «бож ундирилади» сўзларидан кейин «ушбу банднинг «к<sup>1</sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

2. Бандга қуйидаги мазмундаги «к<sup>1</sup>» кичик банд қўшилсин:

«к<sup>1</sup>») мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида, фуқаролар ўртасида, шунингдек фуқаролар, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш барава-

ри миқдорида ундирилади.

**Изоҳ.** Алмаштириш шартномасини расмийлаштиришда бож шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундирилади.

Ушбу кичик бандда белгиланган ставка ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида битимлар сонидан қатъи назар энгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлашда қўлланилади.

Эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, туғилган ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя этиш шартномалари расмийлаштиришда бож ушбу



банднинг «к» кичик бандига мувофиқ ундирилади.

3. «л» кичик бандга «тасдиқлаганлик учун» сўзларидан кейин «ушбу банднинг «л<sup>1</sup>» кичик бандига белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

4. Бандга қуйидаги мазмундаги «л<sup>1</sup>» кичик банд қўшилсин: «л<sup>1</sup>») Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган енгил

автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва/ёки тасаруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида ундирилади.

**Изоҳ.** Ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга ишончномаларни тасдиқлаганлик учун бож ушбу банднинг «л» кичик бандига мувофиқ ундирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МОНОПОЛ ТУРЛАРИНИ МАВСУМИЙ ТАЛАБНИ ҲИСОБГА  
ОЛГАН ҲОЛДА БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 10-11-сон, 60-модда)

Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотлар турларига тегишли моддий балансларнинг чораклик ва ойлик ижроси жадвалларини тузиш прогнозлаштирилладиган мавсумий талаб омиллари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, монопол маҳсулотга мавсумий талаб ошган даврларда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига монополист корхоналар маҳсулотларининг юқори ликвидли турларига моддий баланслар параметрларининг чораклик ва ойлик ижроси жадвалларига тузатиш киритишга оид таклифлар киритиш;

монополист корхоналарга юқори ликвидли маҳсулотлар

турларига киритилмаган монопол маҳсулотлар турларига биржа савдоларига мажбурий қўйиш ҳажмини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

3. Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 2-сон, 10-модда) «йил давомида тенг равишда» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 4 март  
36-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 4 мартдаги 36-сон қарорига  
ИЛОВА

**МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МОНОПОЛ ТУРЛАРИНИ МАВСУМИЙ ТАЛАБНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА БИРЖА  
САВДОЛАРИГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**II. МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МОНОПОЛ ТУРЛАРИНИ  
МАВСУМИЙ ТАЛАБНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА  
БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

2. Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини со-

тишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотларнинг монопол турларини биржа савдоларига қўйиш прогнозлаштирилган мавсумий талаб омиллари ҳисобга олинган ҳолда тасдиқланган монополист корхоналар маҳсулотларининг юқори ликвидли турларига моддий баланслар параметрларининг чораклик ва ойлик ижроси жадвалларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда монополист корхоналар томонидан тасдиқланадиган жадвалларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Календарь даврларга юқори ликвидли монопол маҳсулотга прогнозлаштирилладиган мавсумий талаб ўтган йилнинг шу даврларида бундай маҳсулотнинг биржа сав-



доларига қўйилиши ва сотилишини таҳлил қилишдан келиб чиқиб белгиланади.

4. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси биржа савдоларида сотиладиган юқори ликвидли монополь маҳсулотга талабни доимий асосда ўрганади.

Тасдиқланган жадвалларга мувофиқ биржа савдоларига қўйиш назарда тутилган юқори ликвидли монополь маҳсулотлар ҳажми аниқланган мавсумий талабга мос келмаган тақдирда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлигига муайян календарь даврда биржа савдоларига қўйиладиган ушбу маҳсулотнинг ҳажмини кўпайтириш юзасидан таклифлар киритади.

Маҳсулот ҳажмига тузатиш киритишга доир таклифлар календарь даврга тузатиш киритиш учун белгиланадиган ой бошланишидан бир ойдан кечикмай киритилиши мумкин.

5. Муайян календарь даврга юқори ликвидли монополь маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ҳажмини кўпайтириш:

етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар билан қамраб олинмаган;

олдинги даврларда биржа савдоларида сотилмаган; тасдиқланган жадвалларга мувофиқ кейинги даврларда биржа савдоларига қўйиш назарда тутилган ҳажм ҳисобига амалга оширилади.

6. Моддий баланслар параметрларининг чораклик ва ойлик ижросининг тузатиш киритилган жадваллари Иқтисодиёт вазирлиги томонидан монополист корхоналарга ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига тузатиш киритилдиган календарь давр бошланишидан камида 20 кун олдин юборилади.

7. Календарь даврга тузатиш киритилган жадваллар асосида монополист корхоналар жадваллар олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда Иқтисодиёт вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда ушбу даврнинг ҳар ойи мобайнида монополь маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалларини ҳажмларни биржа савдолари кунлари бўйича бўлиб чиққан ҳолда тасдиқлайдилар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорида назарда тутилмаган маҳсулотларнинг монополь турларини биржа савдоларига қўйиш монополист корхоналар томонидан мустақил равишда амалга оширилади, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан монополист корхоналарда етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар билан қамраб олинмаган монополь маҳсулот ҳажми мавжудлиги ва талаб мавжуд бўлган бир шароитда бундай маҳсулотнинг биржа савдоларига қўйилмаганлиги аниқланган тақдирда — Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори билан амалга оширилади.

Биржа савдоларига қўйиладиган монополь маҳсулотларнинг аниқ турлари ва ҳажмини аниқлаш учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида масъул ходимлардан иборат таркибда махсус комиссия ташкил этилади. Комиссия раиси, таркиби ва иш регламенти Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

Монополь маҳсулотларнинг турлари ва ҳажми, уларни биржа савдоларига қўйиш даврлари уларга бўлган мавсумий талабдан келиб чиқиб монополист корхоналар билан тузилган етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар билан қамраб олинмаган ҳажм ҳисобига комиссия

томонидан белгиланади.

Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарор комиссия раиси ва унинг аъзолари томонидан имзоланади. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг уни ижро этиш тўғрисидаги кўрсатмаси монополист корхоналарга Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кўрсатиб ўтилган қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда етказилади.

Монополист корхоналар комиссиянинг қарори ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кўрсатмаси олингандан кейин 10 кун мобайнида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда монополь маҳсулотларни биржа савдолари кунлари бўйича қўйиш жадвалларини тасдиқлайдилар. Монополь маҳсулотларни биржа савдоларига биринчи қўйиш монополист корхоналар томонидан қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир ойдан кечикмай амалга оширилиши керак.

Монополь маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган декларацияда кўрсатилган даражада бошланғич нарх бўйича амалга оширилади.

### III. МОНОПОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

10. Монополь маҳсулотларнинг биржа савдоларига қўйилишини назорат қилиш Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

11. Назорат қилиш монополист корхоналар ва биржаларнинг ахборотини ўрганиш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш воситасида амалга оширилади.

12. Монополист корхоналар ҳар ойнинг 3-кунидан кечикмай Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига олдинги ойда биржа савдоларига қўйилган ва сотилган монополь маҳсулотлар ҳажми тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар.

13. Тасдиқланган жадвалларда назарда тутилган монополь маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ҳажми ва муддатларини холисона ва монополист корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажариш мумкин бўлмаган тақдирда монополист корхона бу ҳақда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини олдиндан хабардор қилади.

14. Биржалар ҳар куни Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига қўйилган монополь маҳсулотларнинг ҳақиқий ҳажми, тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ҳар ҳафтада — биржа савдолари натижалари бўйича шаклланган ўртача нархлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар.

### IV. МОНОПОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРНИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

15. Монополь маҳсулотларни биржа савдоларига қўйишнинг ушбу Низомда назарда тутилган жадваллари бажарилмаслиги монополист корхоналарнинг ўз устунлик мавқеини суиистеъмол қилиши деб баҳоланади ва монополияга қарши қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг жавобгарлигига олиб келади.



**НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАНЛИГИ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ  
ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 10-11-сон, 63-модда)

Республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни сотишда ҳисоб-китоб механизмини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Э.Р.Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 март  
42-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 13 мартдаги 42-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН  
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорининг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 38-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб барча истеъмолчилар учун (нефтни қайта ишлаш заводларидан «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси нефть базаларига ва давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми учун қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига дизель ёнилғиси етказиб бериш бундан мустасно) олдиндан мажбурий ҳақ тўлашнинг қуйидаги миқдорлари белгилансин:

автомобиль бензини, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ учун — 100 фоиз миқдориди;

бошқа нефть маҳсулотлари учун — узил-кесил ҳисоб-китобларни 60 кун доирасида амалга оширган ҳолда, камида 50 фоиз миқдориди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»

2003 йил 19 майдаги 225-сон қарори 8-бандининг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 38-модда) чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 3-илованинг 31-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. Истеъмолчилар билан нефть базалари ўртасидаги шартномаларга биноан тартибга солинадиган белгиланган нархлар бўйича:

давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси ажратилган лимитларга мувофиқ, шунингдек давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилаш учун ҳақи олдиндан 100 фоиз тўланган ҳолда;

давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми учун қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига дизель ёнилғиси, етказиб берилган ресурслар ҳақи 60 кун мобайнида тўлиқ тўланган ҳолда, 60 фоизининг ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан сотилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА  
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ, ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ХУСУСИЙ  
ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ,  
РЎЙХАТГА ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ  
ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
19 февралда 499-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 8-9-сон, 44-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низом»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 23-сон, 233-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статис-

тика қўмитаси тўғрисидаги низом»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда, 2005 й., 8-сон, 44-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган «Жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган хусусий қурилиш объек-

\*2008 йил 29 февралдан кучга киради.



тларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланишга топшириш, рўйхатга ва ҳисобга олиш тартиби» (1998 йил 10 октябрь, рўйхат рақами 499) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн

кун ўтгандан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан келишилган.

**Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси  
А.ТОХТАЕВ.**  
8-сон

**Давлат статистика  
қўмитаси раиси  
Ф.ҚУДРАТОВ.**  
18-сон

**Келишилган:  
Молия вазир  
Р.АЗИМОВ.**

**Ер ресурслари, геодезия,  
картография ва давлат  
кадастри давлат қўмитаси раиси  
А.АБДУАЗИЗОВ.**

**«Ўзкоммунхизмат» агентлиги  
бош директори  
У.ХОЛМУХАМЕДОВ.**

Тошкент ш., 2008 йил 10 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ИШЛАЁТГАН ОНАЛАРГА БОЛАНИ ИККИ ЁШГА ТЎЛГУНГАЧА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ  
БЎЙИЧА ҲАР ОЙЛИК НАФАҚА ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
28 февралда 1113-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 8-9-сон, 52-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 558 ва 35-сонли, «Ишлаётган

оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (2002 йил 14 март рўйхат рақами 1113 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**\*2008 йил 9 мартдан кучга киради.**

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в. б.  
А.ҲАЙТОВ.**  
2-сон

**Молия вазир  
Р.АЗИМОВ.**  
5-сон

Тошкент ш., 2008 йил 1 февраль.

ЎзР МАИМКВ, МВнинг  
2008 йил 1 февралдаги 2, 5-сон қарорига  
ИЛОВА

**“ИШЛАЁТГАН ОНАЛАРГА БОЛАНИ ИККИ ЁШГА ТЎЛГУНГАЧА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҲАР ОЙЛИК  
НАФАҚА ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА”ГИ  
ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

1. Муқаддимада:

«2002 йил 25 январдаги 33-сон қарори» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарори» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низом бюджет соҳасида ишлаётган оналарга татбиқ этилмайди, уларга нафақа Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 1112, 2002 йил 14 март)

белгиланган таомилга мувофиқ тўланади».

2. 6-банддаги «ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларида ўқиётганлар эса - стипендияни» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. 13-хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Бола парваришlash учун нафақа тўлови корхоналарда (ташкilotларда) ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар) учун ушбу корхоналарнинг (ташкilotларнинг) ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Корхоналар (ташкilotлар) томонидан болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлаш учун сарфланган маблағлар шу давр харажатларига киритилади ва даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган база ушбу суммага камайтирилади.»



**ЭЛЕКТР БИЛАН ИСИТИШ МАҚСАДИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН  
Фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш  
ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
29 февралда 1775-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 8-9-сон, 53-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апрелдаги 210-сонли «Собиқ ССР Иттифоқининг қонуности ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низомга асосан,  
**буюраман:**

1. Илова қилинаётган Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқ кучга кирган кундан бошлаб, СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ва СССР Госплани томонидан тасдиқланган «Электр қозонлари ва бошқа электр иситиш асбобларининг қўлланишини келишиш тартиби тўғрисида йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилмасин.

**Электр энергетикада назорат бўйича  
давлат инспекция бошлиғи  
Б.ФУЛОМОВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 январь  
10-сон.

\*2008 йил 10 мартдан кучга киради.

«Ўздавэнергоназорат»  
инспекциясининг 2008 йил 30 январдаги 10-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЭЛЕКТР БИЛАН ИСИТИШ МАҚСАДИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН  
Фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апрелдаги 210-сон «Собиқ ССР Иттифоқининг қонунга оид ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, 2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низом»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9 сон, 105-модда) ва 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 3-4 сон, 26-модда) мувофиқ, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида технологик жараёнларда ҳамда уйларни иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун электр энергиясидан фойдаланилишини келишиш тартибини белгилайди.

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом янги ишга тушириладиган ва ишлаётган объектларда иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ва электр энергияси истеъмолчилари бўлиб ҳисобланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларга тааллуқлидир.

2. Истеъмолчилар ўз объектларида электр қозонлари ва бошқа электр иситиш асбобларини (бундан кейин матнда электр иситиш асбоблари деб юритилади) ўрнатишда лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан олдин электр энергиядан фойдаланилишини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат»да (бундан кейин матнда «Ўздавэнерго-

назорат» инспекцияси деб юритилади) ва унинг ҳудудий бўлимларида келишиши лозим.

3. Тижорат ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган электр иситиш асбоблари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштириш органлари томонидан мажбурий тартибда сертификатлаштирилади.

**2-§. Электр иситиш асбобларидан  
фойдаланишда электр энергияси қўлланилишини  
келишиш тартиби ва келишиш учун  
керакли ҳужжатлар**

4. Электр иситиш асбобларидан фойдаланишда электр энергияси қўлланилишини келишиш учун аризачи «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

электр иситиш асбобларини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида ариза;

электр иситишнинг қўлланилиши учун мазкур Низомда кўзда тутилган ҳолларда техник-иқтисодий асосланиш;

паспорт маълумотлари: номи, тури, қуввати, ишлаб чиқарувчи заводни кўрсатган ҳолда ўрнатилиши мўлжалланаётган электр иситиш асбобларининг рўйхати;

мувофиқлик сертификати;

энергия тизимининг энг катта юкламали соатларида электро-термик ускунанинг юкламаси камайишини таъминловчи чора-тадбирларнинг рўйхати, унда юкламанинг камайтириладиган миқдори, юклама камайишини назорат қилувчи асбоблар ва ускуналар кўрсатилиши лозим. Кўрсатилган чора-тадбирларни ўтказишдан бош тортиш техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асослаб берилиши керак.

5. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси мазкур Низом билан белгилаб берилмаган қўшимча ҳужжатларнинг тақ-



дим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

6. Такдим этилган ҳужжатлар тўплами ҳужжатлар ҳажмига боғлиқ равишда олинган кундан бошлаб етти кундан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

7. Қабул қилинган қарор ҳақидаги хабарнома аризагачи уч кун ичида ёзма равишда топширилади, бунда электр иситиш асбобларини ўрнатишда электр энергияси қўлланилишини келишиш юзасидан рад жавоби бериладиган бўлса, рад жавобининг асосланган сабаби ҳам кўрсатилиши лозим.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда илгари аризагачи ёзма равишда баён қилинмаган янги камчиликлар билдирилишига йўл қўйилмайди.

### **3-§. Электр иситиш асбобларидан технологик мақсадларда фойдаланишда электр энергияси қўлланилишини келишиш тартиби**

8. Мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилганлардан ташқари электр иситиш асбобларидан технологик мақсадларда фойдаланилганда, электр энергиясини қўлланилиши келишилиши лозим:

бир донасининг қуввати 1000 kW гача бўлган электр иситиш асбоблари учун «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий бўлимларида;

бир донасининг қуввати 1000 kW ва ундан ортиқ бўлган электр иситиш асбоблари учун «Ўздавэнергоназорат» инспекциясида.

9. Электр иситиш асбобларидан технологик мақсадларда фойдаланиш учун электр энергияси қўлланилишини келишиш учун электр энергияси истеъмолчилари мазкур Низомнинг 2-параграфида белгиланган ҳужжатлардан ташқари энергия ташувчи сифатида электр энергияси қўлланишининг заруриятини ва уни иситишнинг бошқа (оловли печлар, буғли иситиш, иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланиш) усулига алмаштириш мумкин эмаслигини ёки техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқлигини асослаб берувчи ҳужжатларни такдим этишлари лозим, хусусан:

а) электр билан иситиш танланганлигини техник-иқтисодий асоси (бундан кейин матнда ТИА деб юритилади);

б) электротермик технологиянинг турлари рўйхатини белгилаб берувчи лойиҳа ёки лойиҳавий топшириқнинг технологик қисмидан кўчирма (қора ва рангли металлларни эритиш, металл, маҳсулотлар ва ашёларга термик ишлов бериш, бетонни қиздириш, идишлардаги суюлтирилган газни иситиш, овқат тайёрлаш).

### **4-§. Қишлоқ хўжалик технологик жараёнлари учун электр иситиш асбобларидан фойдаланишда электр энергияси қўлланилишини келишиш**

10. Қуйидаги ҳолларда ТИАни такдим этган ҳолда қишлоқ хўжалигида иссиқлик таъминоти билан боғлиқ бўлган технологик жараёнларга электр иситиш асбоблари учун электр энергияси қўлланилишини келишиш шарт:

ёш чорва моллари ва жўжаларни боқиш учун хоналарда микроклимни яратишда;

емларни ивитиш, сутли идишларни буғлатиш учун сувни иситиш ҳамда буғ олишда;

мевалар, сабзавотлар ва уруғлик донларни сақлаш омборларида керакли ҳароратни ушлаб туришда.

11. Қуйидаги ҳолларда ТИАни такдим этмаган ҳолда келишиш амалга оширилади:

жўжалар инкубацияси ва маҳаллий иситишда;

ёш чорва молларини нурлантириш ва маҳаллий иситишда;

битта жойда ўзаро боғланган ёки алоҳида чорвачилик,

паррандачилик комплекслари ёки бошқа объектларни ташкил этувчи чорва молларини ва паррандаларни сақлаш хоналарида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборларида, электр иситиш асбобларининг ўрнатилган умумий қуввати 400 kW дан юқори бўлганда кирувчи ҳавони иситишда;

электр иситиш асбобларининг ўрнатилган умумий қуввати 30 kW дан юқори бўлганда мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, дўконлар, поликлиникалар, дорихоналар ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш объектларини электр иситиш асбоблари билан иситишда;

истеъмолчилар томонидан иссиқлик манбаидан 600 m ва ундан ортиқ масофада жойлашган, умумий майдони 100 m<sup>2</sup> дан ошмайдиган ишлаб чиқаришга мўлжалланган хоналарни (маиший вагончалар, устахоналар, ветеринария-санитария ўтиш жойлари, омборлар бинолари, артезиан қудуқлари, тозалаш иншоотлари, ёқилғи қуйиш станциялари) иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун ўрнатилган умумий қуввати 20 kW дан ошмайдиган (суғориш станцияларида 30 kW дан ошмайдиган) электр иситиш асбобларидан фойдаланишда.

12. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришларда электр иситиш асбоблари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси ҳажми электр энергияси истеъмолчиси ва электр таъминоти ташкилоти ўртасидаги энергия таъминоти шартномасида келишилган умумий ҳажмига киритилади.

### **5-§. Овқат тайёрлаш учун турғун электр плиталарини ўрнатиш учун электр энергиясидан фойдаланилишини келишиш**

13. Қурилиш нормалари ва қоидалари билан газда овқат тайёрлаш рухсат этилмаган ҳоллардан ташқари, умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган турар жойларда овқат тайёрлаш учун электр плиталари ва тижорат мақсадларида ишлатиладиган бошқа электр иситиш асбобларини ўрнатишда электр энергияси қўлланилишини келишиш лозим.

### **6-§. Электр иситиш асбобларидан хоналарни иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун фойдаланилганда электр энергияси қўлланилишини келишиш**

14. Қуйидаги ҳолларда хоналарни иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун электр энергияси қўлланилишини келишиш зарур:

ТИА мавжуд бўлганда, бирламчи ёқилғини тежаш учун қуввати 10 kW гача электр иситиш асбоблари ўрнатилганда;

қурилиш объектларида маиший вагончаларни, турли киосклар, павильонлар, дўконларни ва бошқа майда истеъмолчиларни ҳамда тортиш подстанциялари ва электрлаштирилган темир йўл объектларини, ўрнатилган қувватидан қатъи назар, иситишда;

ўрнатилган қувватидан қатъи назар, «Қиш-ёз» туридаги кондиционерлар ўрнатилганда ва улардан тижорат мақсадларида иситиш учун фойдаланилганда;

барча истеъмолчиларга қуввати 10 kW дан юқори бўлган электр иситиш асбоблари ўрнатилганда.

15. Қуйидагиларни иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун келишиш талаб этилмайди:

ўрнатилган қуввати 30 kW гача бўлган бир вақтда ишлайдиган электр иситиш асбобларига доимий хизмат кўрсатувчи ходимларсиз ишлайдиган ва иссиқлик манбаларидан 600 m ва ундан кўпроқ масофада жойлашган сув таъминоти, суғориш, оқованинг майда насос станцияларини;

ўрнатилган қуввати 300 kW гача бўлган электр иситиш



асбобларига эга радио, телевидение станциялари ва космик алоқа станцияларини, ўрнатилган қуввати 25 kW гача бўлган электр иситиш асбобларига эга радиореле ва кабель тармоқларининг оралиқ станцияларини;

ҳар бир подстанцияда электр иситиш асбобларининг қуввати 1000 kW гача бўлган 110 kW кучланишли подстанцияларининг ишлаб чиқариш хоналарини;

уланган қувватидан, идоровий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, қуруқ буғ олиш учун (сауна) ҳаммомларни;

ҳар пунктида ўрнатилган қуввати 10 kW ва ундан ортиқ бўлган электр иситиш асбобларига эга темир йўлда бир изни бошқа изга ўтказишни масофадан бошқаришни;

вентиляция оқими тизимлари томонидан  $t=+5^{\circ}$  узатиладиган ташқи ҳавони иситиш учун қўлланиладиган, ўрнатилган қуввати 10 kW гача бўлган электр калориферларни ўрнатишда жамоат биноларини иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун электр иситиш асбобларидан фойдаланилганда электр энергияси қўлланилишини.

16. Иссиқ сув олиш учун фойдаланиладиган электр иситиш асбоблари бутун йил давомида ишлатиладиган қўшми иссиқ сув таъминоти тармоқларига, гелиотизимлар томонидан таъминланмайдиган қўшимча иссиқ сув ҳажмлари зарурлигини тасдиқловчи техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар мавжуд бўлганда, фақат захира манбалари сифатида уланиши ва фойдаланилиши мумкин.

#### **7-§. Электр иситиш асбобларига қўйиладиган талаблар**

17. Ўрнатилган қуввати 10 kW дан юқори бўлган электр иситиш асбоблари иссиқлик аккумуляторлари билан жиҳозланиши ва энергетика тизимининг энг кам юклагичи соатларида ишга туширилиши лозим.

Автоматик қурилмалар мазкур иссиқлик аккумуляторларидан фойдаланишни рад этиш ҳар бир алоҳида ҳолатда техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асослаб берилиши лозим.

18. Электр иситиш асбобларидан фойдаланилганда, уларни энергетика тизимининг эрталабки ва кечки энг кўп юклагичи соатларида тармоққа уланишига йўл қўймайдиган автоматик қурилмалар кўзда тутилган бўлиши керак, истеъмолчини, ишлаб турган иссиқлик тармоқларидан 600 m ва ундан узокроқ масофада жойлашган объектида иситиш мақсадида қуввати 2 kW гача бўлган битта иситиш асбобидан фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустасно.

19. Электр иситиш асбоблари уланганда, энергия истеъмолининг ҳисобини алоҳида олиб бориш учун электр энергиясини ҳисобга олиш тизими кўзда тутилган бўлиши керак.

20. Фойдаланиши келишилган электр иситиш асбоблари ва уларнинг келувчи симлари Электр ускуналарининг тузилиши қоидаларига, Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига (2004 йил 9

июль, рўйхат рақами 1383 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 27-сон, 317-модда) ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига (2004 йил 20 август, рўйхат рақами 1400 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 33-сон, 379-модда) талабларига ҳамда мазкур Низомда баён этилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

21. Қўлбола (хонаки тайёрланган) электр иситиш асбобларидан фойдаланиш ман этилади.

#### **8-§. Электр иситиш асбобларини энергия тизимининг тармоқларига улаш тартиби**

22. Электр иситиш мақсадида электр иситиш асбобларидан фойдаланилишда электр энергияси қўлланилишини келишишдан сўнг, электр ускуналарини энергия тизимининг тармоқларига улаш учун энергия таъминоти ташкилотидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, техник шартлар олиниши керак.

23. Электр иситиш асбобларини улаш учун электр монтаж ишлари, олдиндан «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилган энергия таъминоти лойиҳасига қатъий риоя қилган ҳолда, Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (2007 йил 20 октябрь, рўйхат рақами 1731 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 43-сон, 436-модда) ҳамда электр энергияси ҳисобини ташкил этиш борасида энергия таъминоти ташкилотларининг талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

24. Қўлланилиши «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилган ва трансформатор қуввати оширилишини талаб қиладиган электр иситиш асбобларини тармоққа улаш энергия таъминоти ташкилоти томонидан берилган техник шартлар бўйича амалга оширилади.

25. Электр иситиш асбобларини, уларга электр энергияси қўлланилишини келишмасдан, энергия таъминоти ташкилотининг тармоқларига улаш тақиқланади.

26. Электр иситиш асбобларининг тегишли техникавий ҳолати ва хавфсиз эксплуатация қилиниши, ҳамда электр энергиясини истеъмол қилиш бўйича ўрнатилган тартибга риоя этилиши учун жавобгарлик объектларида мазкур электр ускуналари ўрнатилган истеъмолчи зиммасида бўлади.

#### **9-§. Яқуний қоида**

27. Мазкур Низом «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги билан келишилган.

**«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси Бошқарувининг раиси**  
**Б.ТЕШАБОВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 3 январь

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси в. б.**  
**Б.УЛАШЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 15 январь

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси**  
**А.ТОХТАЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 21 январь

**«Ўзстандарт» агентлигининг Бош директори**  
**Р.БҮРИЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 25 январь



# БИЗНЕС Панорама

«Норма маслаҳатчи» 12 (141)-сон

2008 йил 21 март



«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги  
омбордан сотилади

Тўлов – исталган  
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

«Sanar Motors» МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери

Optima **30 990 \$ дан**

Carens **30 990 \$ дан**

Sportage **32 990 \$ дан**

Cerato **23 990 \$ дан**

**KIA**  
KIA MOTORS  
The Power to Surprise


Автосалон: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А, «Буюк йил» метро бекати.  
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975.  
www.kiamotors.com

### ҲАММАСИ МЎҶАЗ БОСМАХОНАЛАР УЧУН

Рақамли дупликаторлар ва коллаторлар

Duplo DBM 120 – меҳнат унумдорлиги соатига 2400 блоккача бўлган брошюралаш машинаси, китоб саҳифаларини маҳкамлаш ва фальцовкалаш йўли билан брошюраларни тез тайёрлаш учун мўлжалланган.

# Duplo™



DP-S550 рақамли дупликатори

- А3 бичими
- ечими 300x600 dpi
- босиш тезлиги бир дақиқада 150 нусха
- ичига киритилган компьютер интерфейси
- рақамли функцияларнинг кенгайтирилган тўпламига эга фаол ЖК дисплейи
- рус тилидаги меню
- 10 000 000 нусха ресурси
- кафолат босиш чекламисиз 1 йил

ЯПОНИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

«SyTeCo» ҚК тел.: 244-61-36, 244-31-63

### «ART-FLEX» МЧЖ ҲАММАСИ ОФИС УЧУН

- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОРОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПЛАРИ
- ЭЛЕКТР ҲЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597

### БИРИНЧИ ҚЎЛДАН СОТИБ ОЛИНГ!

«TASHROSTRANS» МЧЖ ҚҚнинг расмий дилери

«SOLDIS SERVIS» МЧЖ

куйдаги шаҳарлардаги омборлардан нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича:

Тошкент ш. – (998-71) 273-37-64  
(998-97) 156-54-95  
Урганч ш. – (362) 226-25-61  
Бухоро ш. – (365) 225-09-32  
Қарши ш. – (375) 221-17-25  
227-18-96

барча турдаги темир йўл вагонлари, цистерналар, хопперлар ва контейнерлар, автофургонлар, омборхоналар ва алоҳида муҳим объектлар эшикларини ёпиш учун универсал қурилма сифатида фойдаланиладиган

«НУМО-1»

ёпиш-пломбалаш қурилмаларини сотади

Товар сертификатланган

E-mail: soldis1@mail.ru

Poligraf Media

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

БИЗНЕС

144 02 01  
144 02 40

**ЭЪЛОНЛАР**

**КЎЧМАС МУЛК**  
Офис учун хоналар ижарага берилади.  
Тел.: 291-77-25, 291-26-04.

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**  
Ҳурматли тадбиркорлар! Ҳўжалик, жиноят судида низоли ишингиз борми? Сизга дебиторлик қарзини тўлаш-маяптими? Сизга мақбул юридик хизмат ёки шартномалар бўйича алоҳида юридик хулосалар керакми? «ASR ADVOKAT» адвокатлик фирмаси.\*  
Тел.: (+99897)100-47-33, 330-45-71 (мўлжал – «Тинчлик» метро бекати).

ЎзР ҳўжалик судларидаги низолар. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш.\*  
Тел.: 383-13-12, 383-55-59.

«LEGAL ASSIST» АБ. Ҳўжалик, фуқаролик, маъмурий ишлар. Судларда ҳимоялаш. Юридик хизмат кўрсатиш. Рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш. Юридик шахс фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тафтиш қилиш ҳамда юридик хулосалар ва тавсиялар бериш.\*  
Тел.: 235-84-13, 103-50-15.

Компаниялар ва хорижий ваколатхоналарга тўлиқ юридик хизмат кўрсатиш.\* Тел. 142-82-25.

Full legal advising of companies and representative offices.\*  
Тел. 142-82-25.

**ТАРЖИМА**  
Мақола, ҳужжатларни рус тилидан ўзбекчага ва ўзбекчадан русчага таржима қиламиз.  
Тел. 715-17-19.

**БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ**  
«Декларант плюс» дастури. БЮДни шакллантириш, декларацияларни босиш, ДБКга электрон нусха жўнатиш. Тел. 107-67-18.

**БУХГАЛТЕРИЯ**  
«Бератор-Гроссбух» – бухгалтерлар учун янги маълумотнома тизими.

«Академпресса». Тел. 142-05-42.

Ихтисослаштирилган фирма мақбул нархларда куйдаги бухгалтерия хизматларини кўрсатади: бухгалтерия ҳисобини юретиш, тиклаш, кузатув, ҳисоботлар тузиш, корхоналарни тугатиш. Малакали, тезкор ва сифатли.  
Тўлов – исталган шаклда.  
Тел. 268-42-11.

«Kapital elite»: бухгалтерия ҳисобини юретиш ва тиклаш, баланс ва ҳисоботлар тузиш.  
Тел.: 254-87-88, 159-95-46.

Ихтисослаштирилган фирма мақбул нархларда бухгалтерия хизматлари кўрсатади: бухгалтерия ҳисобини юретиш, тиклаш, ҳисоботлар тузиш. Тўлов – исталган шаклда. Тел. 330-62-13.

**ИШ**  
Ташкилот божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар (декларантлар)ни доимий ишга таклиф этади.  
Тел. 127-77-74.

**ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ**  
«ТИФ иштирокчиси маълумотномаси» дастури, ТИФ ТН, тушунтиришлар, товар ҳақида маълумот. Тел. 107-67-18.

**ХИЗМАТЛАР**  
Ташкилотларда компьютерлар ва локал тармоқларга техник хизматлар кўрсатамиз.  
Тел.: 957-33-64, 370-19-17.

**ЛОЙИХАЛАР. СМЕТАЛАР. ДИЗАЙН.**  
Тел.: 233-95-25, 186-46-43.

Тел. 2-33-2-33-2. Қўнғироқ қилинг – сейфингизни очиб бераман. Ҳачиев.  
\*Хизматлар лицензияланган.


ЎЗЭКСПО  
МАРКАЗ  
Тошкент

worldfood  
UZBEKISTAN • 2008

8-нчи Ўзбекистон халқаро  
КЎРГАЗМАСИ

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

25-27  
МАРТ  
2008 й.



Маросимнинг расмий очилиши  
2008 йил 25 март соат 11.00 да

Кўргазманинг ишлаш вақти:

25 март соат 11.30-18.00 26 март соат 10.00-18.00 27 март соат 10.00-18.00

Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўч., 20  
Тел. +(998 71) 113 01 80, факс +(998 71) 252 51 64. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

www.ite-uzbekistan.uz



www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф



**KINEK**  
Хизматлар лицензияланган

**МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ**

**БИЗНЕС-РЕЖА ВА ТИАларни ИШЛАБ ЧИҚИШ**

PR\_563

Тел. 232-00-24, 175-74-62  
E-mail: info@kinek.uz, web: kinek.uz

PR\_002

**МОЛ-МУЛКНИ МУСТАКИЛ БАҲОЛАШ**

**RelMon - MIR**  
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ

Тошкент ш.: 281-59-72 (73),  
185-11-36, 188-98-11  
Чирчиқ ш.: (+998 70 71) 5-25-24, (+998 90) 355-33-48  
Бухоро ш.: (8368) 223-63-72, (8590) 812-28-85  
Навоий ш.: (8590) 730-99-80, (8436) 227-83-44  
relmon-mir@mail.ru www.relmon.uz

Хизматлар лицензияланган

**«ELIF HISOB» МЧЖ**  
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ

- БАРЧА ТУРДАГИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ
- ТИА ВА БИЗНЕС-РЕЖАЛАР ТУЗИШ
- КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ГАРОВ ТАЪМИНОТИ БИЛАН МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
- ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ УЧУН БАҲОЛАШ

Жойига чиқиш билан  
Хизматлар нархи - ҳаммабол

444-59-60, 181-06-55, 279-08-04, 276-24-88

**“FTF-AUDIT” МЧЖ** аудиторлик ташкилоти

**Ўзбекистон Республикаси бўйлаб аудиторлик текширувлари ўтказиш учун 2007-2008 йилларга “буюртмалар портфели”ни шакллантирмоқда.**

ЎзР МВнинг 8.02.2008 й.даги, барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказишга 00202-сон лицензияси бор.

Ташкилотда 15 ходим ишлайди, ш.ж. 9 нафари сертификатланган аудитор, уларнинг 7 нафари САР халқаро сертификатига эга.  
Директор – и.ф.н., ТДИУ “Аудит” кафедраси доценти **Фулмова Феруза Ганиевна.**

тел./факс: 232-63-67, 101-52-73, 245-52-73, 401-54-74,  
Бухоро ва Навоий филиалларида: 8(436) 661-92-87, 8(436) 22-387-58  
Манзил: 100003, Тошкент, Ўзбекистон шохкўчаси, 49, ТДИУ. E-mail: ftf-audit@yandex.ru

**МЧЖ шаклидаги “ZIYO-AUDIT”**  
аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги 00211-сонли лицензиясига асосан, низом жамғармаси миқдоридан қатъи назар барча ҳўжалик юритувчи субъектларга (давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган акциядорлик ташкилотларига ҳам) барча турдаги аудиторлик хизматларни таклиф этади.

Хизматлар сифати кафолатланади  
Хизматлар лицензияланган

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шохкўчаси, 87-уй.  
Телефонлар: 8-(374) 222 30 88, 225 17 63.  
E-mail: ziyoaudit@mail.ru

**“HOLIS KONSALT”**  
консалтинг компанияси

баҳолаш хизматларини таклиф этади

- \*асосий фондларни ХАР ЙИЛГИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ
- \*баҳолаш:
- \*кўчмас мулк, бино ва иншоотлар, тугалланмаган қурилишни
- \*машиналар, ускуналар, автотранспорт ва қишлоқ ҳўжалиги техникасини
- \*банкнинг гаров таъминотини
- \*бизнесни
- \*Устав фондига ҳисса сифатида муайян объектларни бериш ва расмийлаштириш

Хизматлар лицензияланган

**ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БАҲОЛАШ!**

Тошкент ш., Носиров кўч., 4-тор кўча, 16 (мўлжал: “Radisson Sas” меҳмонхонаси орқасида)  
Тел./факс 237-46-94. Тел.: 235-52-79, 341-33-10  
E-mail: konsalt2004@list.ru, holiskonsalt@inbox.uz

**“Impuls-Audit” МЧЖ,**  
собик “Аломат-Аудит” МЧЖ  
аудиторлик ташкилоти

барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун ҳамма турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади

УзР АВнинг 22.11.2007 й.даги 253-сон гувоҳномаси.  
Устав капиталлиги - УзР 5000 ЭКИХдан ортиқ.

